

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

САМАРҚАНДНИНГ ОЙ ҚИЗИ



**Турмуш ўртоғим Жумадилла ака—менинг
ҳаётдаги ва санъатдаги суюнчим.**

**Сухбатдошимиз—Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган артист, Ўзбек
Миллий Академик драма театрининг
етакчи актёри Саида РАМЕТОВА**

- Саидахон, сизни бировлар шаддод, бировлар вазмин инсон, дейишади...

- Эллика эллика (кулади), очиги, "миш-миш"ларда ҳам ярим ҳақиқат бўлади. Аслида бутунликни ёқтираман. Вазиятга қараб-шаддод ёки вазмин бўлоламан. Ахир мени иззат қилиб таклиф қилган давра ахлига мен ҳам ҳурмат бажо келтиришим керак-да. Қолаверса, санъаткор деган номим бор...

- Букун санъаткор Саида Раметовани эл танийди. Аммо бу бекатгача бўлган масофани босиб ўтиш ҳаваскор Саидахон учун осон кечмагандир?

- Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, деган мақол бекорга айтилмаган-ку-у-у! Менинг кимлигимни Самарқанднинг Боғишамолдан суранг, азизим. Ҳувчилик давримдаёқ

ҳамма нарсада биринчиликни ёқтирдим. Спортнинг барча турларига қизиққанман. Стюардессаликни орзу қилиб, парашютлардан ҳам сакраб юрдим. Ашула айтиш бўйича эса мактабда биринчиликни олиб, мактовларнинг тагида қолганман (бу ҳол ҳар қандай мурғак қалбга рағбат беради-да). Мактабни тугатиб, Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирдим. Бу ерда ҳам ўша биринчиликка интилиш туйғуси мени тарк этмади. Устозим актёрлик маҳоратини, овозимни юқори баҳолаб, раққосаликдан беҳабарлигим учун танбех берганида: "Раққосалардан ҳам ўзиб кетмасамми!"-деб шу қадар қатъий ишга киришганманки... 3 ой (раҳматли) Юлдуз Исмаатовдан рақс ўрганганман. "Доира" рақсини ижро этганимда, домлам кўзларига ишонмаган. Кейинчалик эшитсам, мени ҳаммага ибрат қилиб кўрсатиб юраркан...

- Бўладиган бола бешигидан маълум, деган гап бор, нима дедингиз?

- Ростини айтсам, санъатга ихлос-биз-4киз, 1 ўғилга онагинам Заҳробону аядан мерос. Аям оддий ишчи бўлган-да,

Шахсий ҳаёт

қариндошлар ва дугоналар даврасида доира чалиб, лаларлар айтишни ўрнига қўйиб кўйганлар. Аммо отагинам (Ҳожиқурбон ота) "қиз боланинг Тошкентга бориб, артист бўлишига" қарши эдилар. Онам кафил турганлари учун мен бу кунларга эришдим-санъаткорнинг поклигини, у одамларнинг яхши кунларида ҳамроҳлигини исботладим. Тақдирни қарангки, укам Бахтиёржон ва кичик ўғлим Азизжон ҳам ажойиб санъаткор бўлиб етишдилар. Тунгич ўғлим Улугбекжон иқтисодчи бўлса-да, биз куйлаганда беҳиётёр қўшилиб кетганини билмай қолади (2 набирамдан ҳам



Данагидан маъзи ширин

санъаткор чиқса, ажабмас). Менимча, ҳар битта одамнинг юрагида санъат томир отади-ю, уни гуллатиш соҳибига боғлиқ.

- Турмуш ўртоғингиз Жумадилла ака Раметов ҳам халқ ҳурматини қозонган санъаткорлардан. Икки таъби нозик санъаткорнинг бир қозонда "қоврилиши" маззаси... ёки "тиқилиши" қолган пайтингиз ҳам бўладими?

- Очигини айтсам, биз Жумадилла акангиз билан "Ёш гвардия" театрида бирга ишлаб юрганнимизда, чин дўст бўлганмиз. Мен у кишига ҳамма нарса ҳақида очикчасига, руй-рост гапириверардим. Жумадилла ака эса мени севиб қолган эканлар... Хуллас, биз ҳаётда ҳам бир-биримизга дўст ва таянч, устоз ва шогирд бўлиб яшаймиз. Бахтиёрмиз. (Фу-туфу кўз тегмасин! Эракка ишонч борми!-кулади)

- Саидахон, менимча, санъаткор ўзини энгиб яшаганига, эл меҳрини қозонлади, шундаймасми?

- Бу ҳақиқат! Санъаткор касал бўлса ҳам, гап юки юрагини эзиб турса ҳам саҳнага қулиб чиқиши ёки қувончдан ёрилиб кетай деб турганда, қаҳрамонининг гамнок тақдирини томошабинга кўрсатиб бера олиши шарт! У театр остонасидан ичкарига қадам босган лаҳзадан бошлаб, қаҳрамонининг танасига, руҳига киролсагина, ўзидан голиб яшай олади. Баъзан иккимизнинг дардимиз, қувончимиз шу қадар омухта бўлиб кетадики, мен қаҳрамоним орқали ўз фикрларимни, дардимни ҳам айтиб оламан, энгиллашаман. Қайси даврда яшаганидан, ёшидан, қайси миллатда бўлишидан қатъий назар, МЕН Унга айланаман. Мана яқинда Зулхумор Солиева қаламига мансуб "Увайсий" спектаклида Жаҳон отин Увайсий бўлиб "чок-чокимдан сўкидим" десам ёлгон бўлмас. Шоираи даврон ўзга муҳит, ўзга замонда яшаган бўлса-да, аёл қалбининг гаму ташвишлари, қувончу орзулари бир хил экан. Ёки италян ёзувчисининг "Тун албатта ўтади" спектаклидаги Амалиянинг руҳий ҳолатлари-одамларнинг маломатларини энгиб яшаган покиза аёлнинг изтироблари ўзбек аёлига ҳам таниш. Умуман, томошабин билан юзмаюз бўлмоқ актёрни тоблайдик, улгайтиради, сивовдан ўтказадим. Шундай имкониятдан баҳраманд эканлигимдан бахтиёрман! Шу кунга етишимизга сабабчи бўлган устозларимдан, ҳамкасбларимдан, дўсту ёрларимдан миннатдорман.

- Шюрингиз?

- Фақат олдинга! Рағбатлардан "зарядланиб", майда-чуйда кўнгилсизликларни хотирадан ўчириб, ОРЗУ билан яшаш керак! "Бўлгани шу..." деган кўникмани ҳазм қилолмайман. Ва барча опа-сингил-



Спектаклда қаҳрамоним руҳига қираман...

ларимиз, дугоналаримизга ҳам шуни тавсия қиламан.

- Сиз яхши кўрган мақол?

- Эгилганга эгилгин, бошинг ерга теккунча; кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етгунча...

- Инсондаги сиз қадрланган фазилат?

- Камтарлик, камтарлик, камтарлик+оддийлик!

- Қандай кийинишни ёқтирасиз?

- Жойига қараб... Аммо миллий либосларимизга "жонимни қоқаман". Қолаверса, келиним Шохистахон моҳир чевар, «склети»ни айтсам кифоя, қолганини қойиллатади.

- Яхши кўрган таомингиз?

- Самарқандча палов... Бўш қолдим, дегунча (бундай вазият кам бўлади), қозонга капкирни уриб, дўсту биродарларни чорлаб, оллоҳнинг бу лазиз неъматидан баҳраманд бўламиз. Ош устида янги-янги фикрлар туғилади, ижоднинг янги ирмоқлари дунёга келади- умуман яхши бўлса бўладики, ёмон бўлмайди (шу кунлардан айирмасин)...

- Саида Раметованинг муҳлиси сифатида унга қандай тилак билдирган бўлардингиз?

- Саломатлик ва ҳамиша ЯХШИЛИККА дугона бўлиб юришини тилаган бўлардим. Ва яна газета муҳлисларига ҳам шуларни соғинган бўлардим!

- Биз-да сеvimли санъаткоримизнинг истақларига жўровозимиз!

- Раҳмат.

Санобар ФАХРИДДИНОВА



- Ўғилларим—икки қанотим,—дейди Саидахон.



Онадек улуг зот борми!

Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»



ЭЗГУЛИККА ШОШИЛ

Мақтабни битирганимдан буён она шахримдан узоқда яшайман. Аммо болалигим ва ўсмирлик пайтларимни тез-тез эслайман. Синфдошларни, ўқитувчиларимни кўргим, болалигим ўтган жойларга тез-тез боргим келади.

Кундузхон опа синф раҳбаримиз эди. Ўшанда у Андижон Давлат педагогика институтини тил ва адабиёт факультетини эндигина тамомлаб, Андижон шаҳридаги биз ўқийдиган 32-ўрта мактабга келган йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги ёш, гўзал қиз эди.

Бизга то мактабни битирганимизга қадар синф раҳбарлик қилган Кундузхон опа жуда самимий, бизни худди ўз укаси ёки синглицидай кўрар, биз ҳам уни ўз опамиздай яхши кўрадик. Айрим қизларимиз унинг пинжигига кириб, бир нималарни шивирлаб, сирлашиб юрганлари ҳали ҳам ёдимда. Синфдошларимиздан айниқса -

булиб кетдим. Ўша кун Андижон томонга гўёки учдим.

Синфдошларим... Дўстларимни кўриб, танимай қолдим. Мен билган болалар фақат хотираларимда қолибди.

Мени кучоқ очиб, жилмайиб кутиб олган, қорачадан келган йигит... Маҳмуджон Рўзиохунов экан. Маҳмуд! Ие, у негадир зўрға қадам ташлапти.

Кўзлари кулиб, кучоғини очиб келаётган мана бу киши - Гиёсиддин-ку?! Мактабда у жуда ихчам, одатда, сафни яқунлайдиган бу болани "Гиёсиддин кичкина" деб атардик. У буйи чўзилиб, новча, салобатли бўлиб кетибди.

Кўришишга чоғланиб турганлардан бири - Акбаров Неъмат эди. Оббо, у ҳам Маҳмуд каби қийналиб юраепти-ку. Аммо кўзлари бахтиёр чакнайдди.

Қизларимизнинг ҳаммалари неварачеварали. Фароғат, Матлуба, Гулчехрани 38 йил олдин кўргандим. Бунча сипо бўлишмас булар!

Кундузхон опамиз эса ҳамон ўшандай. Назаримда, қутлуг ёшга кирмагандай. Оналар фарзандлар учун ҳеч қачон қаримас экан, деган фикр негадир кўнглимдан ўтди, шу тобда. Учрашувда ўқувчилик давримизни, бизга беминнат билимини, меҳрини берган ўқитувчиларимизни ҳаяжон билан эсладик.

Юрагим зирқираб кетди.

Синфдошлардан бири қайсидир қизни эслаб: "Нега келмайдикин?" - деди. Кундузхон опа секингина: "У шу қизни яхши кўрарди, унутмабди-да", - деди менга. Биз ун йил бир синфда ўқиб, ўртоғимиз бу қизни ёқтиришини билмаган эканман. Гап яна биз "болалар"га такалди. Ўзи танлаган соҳада обрў-эътибор толиб, кўплаб шогирдлари даврасида эъзозланаётган Саидикром, Фароғат, Гиёсиддин, Маҳмуд, Козимжон, Матлубахон...ларнинг муваффақиятларидан қувондик.

Мен ўқитган болаларимдан хурсандман, - деди Кундузхон опа. - Саидикром адабиёт синфимизни шунақа зўр таъмирлатиб бердики, ҳамма ҳамкасбларимнинг ҳаваси келади. Касал бўлсам, Козимжон ишлатган касалхонага бораман. Уни кўрсам, бирпасда тузалиб кетаман. Маҳмуд, Фароғат, Матлуба билан, биз ҳамкасбимизда, тез-тез учрашиб, педагогика муаммолари хусусида фикрлашамиз. Айрим жиҳатлардан улар мендан ўзиб кетишган. Сизларга қараб, болаларим,

ўқитувчи бўлганимдан, Сизлардай йигит ва қизларга таълим бериш бахти насиб этганидан хурсандман, умрим беҳуда ўтмаганига шукрона айтаман.

Учрашувда давомида ўқитувчиларимизни, уларнинг яхшилигига меҳрибонликларини, эзгу фазилатларини кўп эсладик.

Учрашувда синф раҳбаримизни қутлуг ёши билан қутладик, меҳмондорчилик, мулозаматлар... Аммо рости айтсам беш соатлик суҳбат менга жуда кам туолди. Олдингидай ўртоқларим кўп телефонлари ечиб олгим, турли оҳангларда бири тинмай, бошқаси жиринглаётган қўл телефонларни йигиштириб қўйгим келди. Кундуз опамизнинг сермулозаматлиги-ю, бизни сизлаши ҳам эриш туолаверди. Бир четда ҳаммамизга бир нималарни айтмоқчидай мўлтираб ўтирган Неъматжон. У овқат ёйишга қийналганида, унга қошиқ тутаётган қизларимизнинг ҳаракатлари, буларни кўриб, бўғзимга нимадир тикилди, кўзим ачишди...

Мен синфдошларимга сокин тикиламан. Кимнидир сочи, тишлари сийраклашган. Бир пайтлар новдадек бўлган айрим йигитлар қорин қўйган амакига; навниҳол, шўх-шаддоқ қизларимизни келину қувели, неварали сипо аёлларга айланган. Узим-чи? Узимни ҳам ҳаяжонлар юкидан тилим таги-

га дори ташлаганимни бошқалар кўрмадимикин?

Ҳа, ўтган йиллар ҳаммамизга кўп шодлигу машаққатлар ҳаёда этди. Аслида, бу ёшга кириш, шу ҳолатга етишиш ҳам осон бўлмади. Нималарни кўрмадик? Нималардан азобланиб, нималардан шодланмади бу муштдек юрак! Кўксимизда гуппиллаб уриб турган кафтимизга жо бўладиган митти юракларимиз ҳаётдан кўп мушт еди. Агар инсоннинг ёнида одамлар бўлмаса, яхшилар бўлмаса, улар кўлаб-қуватламаса, бу ҳаёт оғирликларини юракнинг бир ўзи кўтара олмас эди. Яхшилар ҳаммиса бор бўлсин!

Мен кўпдан буён болалигимни, ўсмирлигимни, ўша даврдаги дўстларим ва синфдошларимни кўрсан эдим. Аммо уларнинг ўрнида силкинса ақл тўкиладиган сипо, бири бирига эҳтиромли, хушмуомала эркагу аёлларни кўриб турибман. Ўтган кунлар, болалик чоғларимиз фақат бир учи юракка боғланган миямизнинг олис бир гўшасининг мулкига айланибди. Бу мулк - тарихий хотиралар бизни таниш ва нотаниш одамларга фақат яхшилик қилиш, эзгулик улашишга даъват этиб туради.

Учрашувнинг бизга берган сабоғи ушбундир: одамдан фақат қилган эзгу ишлар қоларкан, яхшилик қилиб яшашга шошилиш керак экан.

Абдуқодир НИЁЗОВ

ЧАРОҒОН КЎНГИЛ

- Шаҳноза Мейлиева, операция учун ҳамма нарса шай қилинди.

Дераза пардасини суриб, нигоҳларини ташқарига, бир нуқтага тикилиб турган шифокор "эшитдим", дегандек хиёл бош ирғади. У операция олдидан ҳаяжонини босиб олиш учун ғоят оғир руҳий курашга ўзини тайёрларди. Икки соатча олдин келтирилган беморни текшириб кўрдию, уни жарроҳлик йўли билангина дардан халос этиш мумкин, деган қарорга келди. Унинг хаёлида узоқ давом этадиган машаққатли синов - ўлим билан юзма-юз келиб билими, маҳорати, тажрибаси билан энгиб, нажот кўзларини тикиб турган онани ҳаётга қайтариш масъулияти чарх урарди.

Шифокор ўз юрагининг товушини аниқ эшитди. У гўё: "Бардам бўл, хатога йўл қўйма, бемор ҳаётини сақлаб қолишинг керак", деб дуқиллайди. Пешонасида маржон-маржон тер пайдо бўлади.

Узоқ давом этган шиддатли олишув ниҳоясига етди. У бир-бир қадам босиб, хонасига келди-да, иш ўриндигига ўзини ташлади...

Шаҳноза Орипова - ёш гинеколог шифокор. 1996 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан битирган. Вилоят шифохонаси туғруқхона бўлимида илк меҳнат фаолиятини бошлади. 2002 йилдан бошлаб Акушерлик ва гинекология илмий текшириш инсти-



туту Қарши филиалида ишлаш бошлади. 2006 йилдан буён шу ерда гинекология бўлими бошлиғи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Оилада бека, жамоага раҳбар Ш.Орипова ҳар иккала вазифани аъло даражада олиб бораётган ғайратли, шижоатли аёллардан.

- Оила ташвишлари ёки ишдаги масъулият, қийинчиликлар бир-бирига халал беради, деб ўйлаганимда бу йўлни танламаган бўлардим. Ҳолбуки, ишдан толиқиб борганимда болаларимнинг қувончи, бир-биридан ширин қилиқлари чарчоғимни унуттиради. Эртасига яна янги куч, ғайрат билан ишга киришаман, - дейди шифокор фахр билан. - Катта ўғлим Шохрух 6-синфда ўқийди, Темурбек боғчага қатнайдди. Турмуш ўртоғим Бобур Усмонов - технолог, масъул вазифада ишлайди. Аҳил ҳаёт кечирмоқдамиз.

- Бемор кўзини очди, - деди эшикдан кириб келган бош ҳамшира Ш.Қурбонова. Шаҳноза Мейлиеванинг юзларига табассум ёйилди.

Азим ЭШОНҚУЛОВ, журналист.

- Туманимиз келин-қувълари бир ой давомида "Оила мактаби"да таҳсил олгач, кейин никоҳдан ўтишади, - дейди Хоразм вилояти Янгиариқ тумани ФХДЭ мудири С.Ражаббиди Панаяева. - Дарсларимизга қувъларимизнинг ҳамма одамларини ҳам тақриф қиламиз. Зеро, оиланинг бутунлиги уларга ҳам боғлиқ. Тиббий кўрик эса келин-қувъларини бир-бирига ишончини мустаҳкамлайди.



ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР

Жамиятда хотин-қизлар фаоллиги ошишида, уларнинг жисмонан ва руҳан тетик бўлишида спортнинг ўрни беқиёс. Кейинги вақтда Самарқанд вилоятидаги Жомбой туманида хотин-қизлар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил этиш, айниқса, қишлоқ аёлларини бундай тadbирларга кенгрок жалб этиш аънамага айланиб борапти. Туманда ҳар бир байрам арафасида хотин-қизлар спорт мусобақасининг ташкил этилаётгани ҳам бунинг исботидир.

Яқинда туман кенгаши қошидаги "Фидокор аёл" ҳаракати, туман хотин-қизлар кўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлими ҳамкорлиқда Мустақил Ўзбекистонимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига ба-

ғишлаб хотин-қизлар спортмайдонини ташкил этди. Унда туман маҳаллаларида келган 150 нафар спортсевар хотин-қизлар фаол қатнашди.

Иштирокчилар энгил атлетика, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, стол тенниси бўйича ўзаро куч синашдилар. Унда "Холвойи", "Хитойпоён" маҳаллалари ва Жомбой маиший хизмат касбхона коллежи жамоалари голиб деб топилди. Шунингдек, энгил атлетика турида Фотима Жумаева, шашка бўйича Раъно Умарова, шахмат бўйича Зулайхо Усмонова биринчилиكنи қўлга киритди.

Ғолибларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йили ва Мустақилликнинг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Соғлом она - соғлом бола" кўрик танлови Иштин туманида ҳам ўтказилди. Ушбу тadbирда тумандаги давлат, нодавлат жамоат ташкилотлари фаоллари қатнашди.



Ушбу санифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сийсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар».

Хозир қаерга бормайлик, энг кўп эшитадиганимиз қарз. Қарздорлик сўзлари замирида жуда кўп маъно мужассам. Сал муросаси келишмаган икки дўстнинг биринчи гапи: «Бор-е, мен қарздорми сендан, бўлса ай!» Ёки ота- онаси моддий таъминлаб турадиган ўғил фарзандлик қарзини уздим, деб ўйлайди, давраларда мақтаниб ҳам қўяди. Ёки, ёки... Сатрларни ўқиётди менинг қарзим йўқ, дейсизми? Сал шошдингизми, дейман. Фикрларингиз тизгинга эрк беринг-да, бир ўйлаб кўринг...

Бу дунёда беқарз одамнинг ўзи йўқ. Инсон борки, бир- биридан қарздор. Ҳа, ҳа, ажабланманг, ҳам-

тўйдан ҳам кўра ташвишли кунлар гамини еб қўйишган. Ҳозир ҳам кексаларимиз охираг сарпою таъзия харажатларини тайёр қилиб қўйишади. Қайғули кунларда фарзандларимиз қарз кўтармасин, бировлар олдида ранги саргайиб, хижолат бўлмасин дейишади- да.

Эсланг, марҳумларга жаноза ўқишдан олдин сўралади: **“Тақдир тақозоси билан қарз бўлиб қолган бўлса, уни тўлашни ким зиммасига олади?”**

Қарзанди, ё жони жигари олдинга чиқари: “Мен”... Ўйлаб кўринг, рўзгорини аранг тебратаётган, кунини зўрга кўраётган бўлса- чи? Қарзини сўровчилар келаверса, холи

сангиз, фақат бетаъма, инсонийлик юзасидан ҳиммат кўрсатсангиз қанча савоб оларкансиз.

Пайгамбаримиз Расулulloҳ САВ айтдиларки, **“Судхўрликда фойда олувчи билан уни берувчининг гуноҳлари баробардир”**. Қаранг- а, бир бечора қарз олиб, не машаққатлар билан юртлар ошиб, махсулот келтириб, қай азоблар билан уни пуллаб, қарз олган пулини фойдаси билан қайтарса-ю, гуноҳи судхўр билан баб- баробар бўлса. Шундай экан, машаққатингизга яраша роҳат кўришни кўя туринг, ҳеч бўлмаса гуноҳкор бўлишдан кўриб, қарз олишдан сақланг. Бориға қаноат

МУЛОҲАЗА.
МУНОЗАРА.

дириб, қарз кўтартиришдан номус қилмай қўйишди. Эндиликда пул топши, рўзгори

бутлаш оиланинг барча муаммоларини ҳал қилиш асосан аёллар зиммасида. Афсуски, ўзи истамаса-да, ноқорликдан шаҳарма-шаҳар юриб, заифгина жони билан тоғ-тоғ нарса харид қилиш, уни минг бир машаққат билан олиб келишга мажбур бўляпти кўпгина опа-сингилларимиз. Рўзгорнинг беадаг горини тўлдириш илнжиди ўзини ўту чўққа урадиган аёлларимизнинг ҳорғин, турмуш ташвишлари чизик тортган чехраларига, дағал муомала, терс табиатиға қараб эзлиб кетасан. Ат-

ҚАРЗ САРВДЕК ҚОМАТНИ ДОЛ ҚИЛАДИ

мамиз кимдандир гина эмас, кимлардандир қарздормиз, хўп деяверинг, кўп-кўп қарздормиз. Дунёга келтириб, бизга ҳаёт берган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган ота- онасидан ким қарздор эмас?!

Бағрида яйратиб, бор гўзаллигини кўз-кўз қилиб, кўзимизни қувнатган, кўнглимизга олам- олам завқ бағишлаган табиатдан- чи? Кунимизни ёритган, тунимизни равшан қилган қуёшу ойдан, чанқоғимизни қондириб, танамизга ҳузур- ҳаловат бахш этган ва бошқа минг битта қору ҳолимизга ярайдиган номи билан обихаёт сувидан қарздор эмасизми?!

Эрнинг хотин ва ёки хотиннинг эр олдида қанча қарзлари бор, ахир. Аёлга бахт беролмаган эркак фақат хотинининг олдидагина эмас, уларнинг қизларига бахт беролмагани учун қайносамо қайнониси олдида қарздор эмасми? Ва ё акси.

Ажралиб, болаларини хотинига ташлаб кетгач, нафақа тўлаяпман, моддий таъминлаяпман, оталик шуда, деб гердайиб юрган ота бағри кемтик, боши эгик фарзандларидан меҳр қарздор эмасми?! Шогирдининг устоз олдидаги қарзи... Ва ҳоказо...

Ҳа, яна кимдир мухтожлик, биров зарурат, ҳаёт тақозоси туфайли қарз олишига тўғри келади. Умр шу қадар қиска-ки, бу қарзларни узиш учун вақт, имкон берсин Оллоҳ. Жилла бўлмаса бу қарзларнинг бир қисмини узиш насиб этсин ҳар биримизга. Бу дунёда шунчалар қарзимиз бўла туриб, яна қарзга кириш шартми? Афсуски, кейинги пайтларда керагу нокеרגа ҳолда ҳам қарз олиш ва сурбеларча уни тўла-маслик одат тусига кирди. Уткинчи ҳою ҳаваслар, тўкин ҳаёту кимгадир тақлид қилиб, ҳовли, машинали бўлишлар ҳам қарз эвазига амалга ошапти. Қарз олиб, қарзини тўломагани боис пул ишлаш мақсадига йллаб оиласи, бола- чақаси, Ватанидан узоққа, бегона юртларга кетган одамлар (уларнинг аксарияти аёллар) кўпайиб боряпти. Болалаб кетган қарзини ўзи туғул қариндош- уруғлари бор будини тўлласа-да, узолмаслигига кўзи етгач, ваҳима босиб, ўз жонига қасд қилаётганлар, ҳовли- жой, мол- мулкидан мосуво бўлиб қолаётганлар ҳам афсуски, оз эмас. Бориға шукр қилмай, қаноатда умргузаронлик қилишдан қониқмайдиганларнинг ўйламай қилган иши оқибатида оила ноқорликка юз тутяпти, кекса ота- оналар азият чекапти. Ўйламай қилинган иш, бошга келтиряпти ташвиш...

Бир лаҳзада бой бўлгиси, қиска фурсатда ҳовли- жой, машинали бўлишни, кимгадир тақлид қилиб, дангиллама тўй қилишни орзулаганлар бир ўйланг: халқимиз тўй-хашамлар, қувончи кунларга йлла- лар таррадуд кўришган. Ташвишу ғам эса оғоҳлантирмай келади, деб

нима кечади: йўқ деёлмайди, видолашув онлариди кўпчилик олдида сўз берди. Қайтса, номардлик, камбағалнинг қўли калта бўлса ҳам орияти кучли. Жонини жабборга бериб ишлайди, елади- югуради, аммо тўлайди...

Баъзилар қарз кўтариб, катта тўй қилишади. Бир кечалик маърақа ўтади- кетади. Аммо ўша хонадонда негадир шодлик эмас, жимлик. Аҳли аёлини кўзлари маъюс боқади. Қарзнинг ваҳимаси, қачон тўлаб тугатамиз, деган ташвиш ифодаси бу. Асал ойи гаштини суриб, бир-бирига меҳр-муҳаббат-ла боқиши керак бўлган ёшлар муносабатига ҳам совуқ соя ташлаб туради бу хавотир.

Қарз кўтариб, дабдабали тўй қилганларнинг сохта шухрати қанча омонат бўлса, савоби ҳам ҳамин қадар. Ҳамма нарса- сотиб олиш мумкиндир, аммо савоб сотилмайди, у Парвардигор қарами, ахир. Тўйдан мурод савоб олмақ экан, уни қарзга олиб бўлмаслигини ўйлаб иш тутуши керак ҳар инсон.

Тадбиркорликка, тижоратга кенг йўл очиб берилгани бу соҳага ҳавасмандларни кўпайтирди. Афсуски, кўпчилик фақат ҳавас билан иш битмаслигини, иш яхши бошлангани билан хотимаси ҳам шундай бўлмаслигини чуқур англаб етмай, бу кўчга қиряптилар. Бироз дастмоя тўппамай, қарз кўтариб савдогарликни бошлагани баракаси бўлмаслигини ўйламаптилар... Яхши ният билан иш бошлаганларнинг кўпчилиги фойда кўриш у ёқда турсин, бор- будидан ажраляётганлиги ҳам қарз туфайли. Тўғрироғи қарзнинг кун сайин болалаб кетадиган устама фоизлари фалокати туфайли.

Ҳозирги пайтда жуда кўп одамлар қарзга пул бериб, шунинг ҳисобига кун кўраётгани, бошқаларни абгор қилиш эвазига бойиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бировдан қарз олиб, уни вақтида қайтармай овораю сарсон қиладиганлар, омоната хиёнат қилувчи товламачилар ҳам афсуски, кам эмас.

Ҳадиси Шарифда айтилади: **“Жаннатга кириб унинг дарвозасида: “Садақага ўн савоб, қарз берганга ўн саккизта савоб, деган иборани кўрдим, шунда мен ҳамроҳимдан сўрадим: “Эй, Жаброил дўстим, нега садақага 10та, қарзга 18та савоб берилур? “Жавоб бердики: “Садақа бою камбағал кўлига тушади, қарз эса фақат мухтож одам кўлига тушади”**.

Кўрдингизми, кимдир мухтожликдан, бошқа биров ишларини бироз яхшилаш учун ҳузурингизга қарз сўраб келса, унинг хожатини чиқар-

✓ **Сатрларни ўқиётиб менинг қарзим йўқ, дейсизми?**

✓ **Бу дунёда беқарз одамнинг ўзи йўқ.**

✓ **Баъзилар қарз кўтариб, катта тўй қилишади.**

✓ **“Қарзини узмай дунёдан ўтган одам, то ўша қарзи узилмагунча қабрида кишанланган ҳолда ётади”.**

✓ **Қарздорларнинг аксарияти аёллар...**

✓ **Беозоргина қарзнинг озорлари, оғриқлари кўп.**

қилишга, шукроналикка ўрганинг.

Зиммасида қанча-қанча қарз билан олис сафарга отланадиганлар, ёши бир жойга бориб қолган ота- оналарини ўз ҳою ҳаваслари йўлида қарзга ботириб қўядиган фарзандлар салгина хушёр тортинг. Ва Ҳадисдаги бу калималар ёдингизда бўлсин. **“Қарзини узмай дунёдан ўтган одам, то ўша қарзи узилмагунча қабрида кишанланган ҳолда ётади”**. Ота- оналар боласини вояга етказиш учун ўзини ўту чўққа уриб, дунёнинг минг битта ташвиш кишанларига ўралиб юргани ҳам етар, ҳеч бўлмаса охираги обод бўлсин.

Халқимиз яримта нон- роҳати жон, деб бекорга айтмаган. Бу қашшоқликка эмас, шукроналикка даъват. Бориға шукр қилиб, топганига яраша умргузаронлик қилишга, ҳалол яшашга даъват. Ҳадиси Шарифда айтиладики: **“Қарз- бамисоли Тангрининг ердаги байроғидир. Қачонки бир бандасига ёмонликни ирода қилса, унинг бўйнига шу қарз байроғини илб кўяди”**.

Энг ачинарлиси ва энг оғриқли дардга айланган ташвишли ҳолатлардан бири-қарздорларнинг аксарияти аёллар экандир. Никоҳ ришталари боғланаётган лаҳзаларда ғамхўрлик қилиш, таъминлашга Оллоҳ олдида қасамёд қилган эркакларимиз ўз жуфти ҳалолларини кимларнингдир олдида бўйинини ҳам, кўзини нам, гурурию аёллик шаънини оёқ ости қил-

рофлича мулоҳаза қилсанг, эркакларни айблагша мингта сабаб ва уларни оқлаш учун шунча баҳона ҳам топса бўлади. Сабабсиз оқибат бўлмайди ва ҳар қандай оқибат ҳам қайсидир ҳолатнинг интиҳоси.

Шундай бўлса-да, азизим, жоним синглим, қизим, жигарим! Ўйлаб иш тут. Не-не ниятлар билан жуфтинг остонасидан кириб келган кунларинг ёдингдами? Неларни ният қилмадинг. Лекин, жоним, орзуларинг оиланг имкониятлари даражасида бўлсагина сенга қувонч келтириши мумкин. Ҳовли- жойингни тузатиш, яхши кийиниб, фаровонликда яшаш учун зинҳор қарз олма! Ишимни битириб олай, кам- кам тўлайман, деб ҳам ўйлама. Бошида ўзининг бутлаш, кам-кўстингни тузатиб олиш учун энг қулай восита бўлиб кўринган қарз зарпечакка ўхшайди, аста-секин беозоргина сени занжирбанд қила боради. Аввал ишинг битганидан сарҳуш юрасан,

кейин яна биттасини битирай дейсан, болалар улғая бошлайди, яхшироқ кийинтирай дейсан. Яна, яна ва яна. Охир- оқибат ўрганиб қоласан. Ва охир- оқибат у балои азим бўлиб қалбингни кемиради, хонадонингни гораг қилади, биринг икки бўлмайди. Беозоргина қарзнинг озорлари, оғриқлари кўп.

Қарз рўзгорнинг баракасини учиради. Тоғ тоғ билан учрашмаслиги мумкин, одам одам билан албатта учрашади. Тўй- маъракаларда сен қарз олган одамни учратмайсан, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Хавотир ханджар мисол жонингни тилади у. Ҳадиксирайвергач, давраларда бошингни кўтариб юролмай- диган бўласан. Вақтида узолмаслик, дарвоза тақиллаб келиши бор. Қайнона, қайнота, эринг, кўни- қўшини, қариндошлар олдида бебурд бўлишинг мумкин. Қарз озгина бўлсаюм юки оғир бўлади, азизим. Сардек қоматингни қарзинг оғир юки остида букма. Омонатгина умрингни авайла, гурурингни ўткинчи ҳою- ҳаваслар шамолида соғурма, жоним!

Бошда айтганимиздек, шундай ҳам узишимиз керак бўлган қарзларимиз кўп, бунинг учун умримиз, имконимиз етсин илоҳим. Шундай экан ортиқча ташвишлар, таваккалчиликлардан сақланайлик. Қарздор эмас, ризқдор бўлишга интилайлик.

Бахшанда БОЛТАЕВА, Бухоро вилояти, Гиждувон шаҳри.

БАХТИНИ БАРБОД ҚИЛДИ...

- Опажон, куни-кеча мендан бахтли инсон йўқ эди. Бугун эса жуда изтиробданман. Ота-онамни қақшатиб тўйимни ҳам тўхтатдим. Бир ҳафтадан сўнг тўйим бўлиши керак эди. Лекин энди уйланмоқчи эмасман, - деди ўзини Элёр деб таништирган йигит.

- Ие, нега тўйни тўхтатдингиз?

- Ҳамма қариндошларимиз мени қойишяпти. Лекин барибир тўйни тўхтатдим. Сабабини айтсам балки сиз ҳам мени қойирсиз. Аммо, йигитман, ўзимга яраша орийатим, ор-номусим бор ахир. Биласиз, ҳар бир йигитнинг ўзига яраша дўсту ёрлари бўлади. Менинг ҳам институтдаги курсдошларим, маҳалламазда ҳам оғайниларим бор. Ҳамма гап ана шулардан бирини тўйга таклиф қилишга борган кунимдан бошланди. Сабоҳатни жон-дилимдан севардим. Аммо кўнгли бир қолса, ёмон бўлар экан. Сабоҳатнинг севгисини қозониш учун ўзимни ўтга ҳам, чўққа ҳам ургандим.

- Демак, тўйингизнинг бузилишига дўстларингиздан бири сабабчи бўлибди-да?

- Йўқ, ўша дўстимнинг ўзи бунини билмайди. Унда сира ҳам айб йўқ.

- Нима бўлганда ўзи?

- Тўй мўҳомлар билан тўй-да. Ота-онам барча қариндошларни ўзлари тўйга таклиф қилишадиган, мен эса дўстларимни чақирадиган бўлдим. Деярли ҳамма дўстларимни таклиф қилиб бўлгандим. Қибрайда яшайдиган Азимжон исмли курсдошим эсимга тушиб қолди. Хуш кайфият билан Қибрайга жўнадим. Унинг уйига борганимда бир-иккита оғайнилари билан ўтиришган экан. Мен кўриб қувониб кетдим. Онаси эса дарров бошқатдан дастурхон тузаб, овқатга уннаб кетди. Мен дўстимга таклифномани тутқазиб тўйга онасини ҳам олиб боришини тайин-

ладим. Дўстим таклифномани олиб четга қўйди. Кейин: "Келинлар, ош пишгунча боя-ги видеонинг давомини кўра-миз", - деб қолди. Видеотасвир бир дўстининг туғилган кунидан олинган экан. Хуллас, видео кўра бошладик. Бир пайт қарасам қилпанглаб ўйнаётган бир қиз жуда Сабоҳатга ўхшайди. Елкаси очик кўйлақда, сакраб-сакраб рақсга тушяпти. Ёнида эса мен меҳмон бўлиб келган уй эгаси, Азимжон айланиб-айланиб, кифтини қоқиб ўйнаяпти. Ҳеч нарсадан бе-хабар Азимжон: "Ҳозир бундан ҳам зўрини кўрасизлар", - дерди қулиб.

- Кейин яна рақс кўрдиларми?

- Кўрганда-чи... Бир пайт денг, сокин мусиқа садолари остиди. Азимжоннинг бағрига бош қўйиб рақс тушаётган қиз кўринди. У дўстимнинг бўйнидан кучиб олган, Азимжон эса энгашиб унинг очик елкаларидан, юзларидан тинмай ўпади... Бир пайт қарасам лаблари ҳам туташиб кетаяпти. Сабоҳатнинг лаби четиди ҳол бор эди. Бу қизда ҳам бор экан. Чидаб туролмадим.


- Бу қизнинг исми нима?

- Сабоҳат, - дея завқланиб жавоб берди ҳеч нарсадан беҳабар Азимжон.

Бир-икки йил гаплашиб юриб бошқасига уйланиб, чув тушириб кетдим. Ўзи яхши қиз, лекин билагига қўл юборсанг индамайди. Агар у сал гурурли, жиддий қиз бўлганида уйланардим ҳам, - деди дўстим бамайлихотир юрагимга тиг санчаётганини сезмасдан.

- Кейин нима қилдингиз?

- Сабоҳатнинг қаерда туришини сўра-



ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

дим. Бир-икки марта кузатиб қўйган экан. Айнан Сабоҳатнинг маҳалласи ва кўчасини айтиб берди. Рангим ўчиб кетган бўлса керак, у менга тикилиб қолди. "Сенга нима бўлди?" - деб сўради. Индамадим. Улар билан ўзимни зўрлаб қулиб хайрлашдим. Йўлда келаяпман, кўз олдимдан Сабоҳатнинг елкасидан ўпаётган Азимжон кетмади.

- Шу сабаб қиздан кечдингизми?

- Ие, нима қилишнинг керак эди? Елкасидан ўзга йигит бўса олган қизни бошимга ураманми? Кейинчалик менга ҳам

шиёнат қилса-чи? Шундан сўнг келиб тўйни тўхтатиш ҳақида ота-онамга айтдим. Сабоҳатга ҳам кўнгирик қилиб Азимжон билан туғилган кунда олинган видеосини кўрганимни, энди унга уйланмаслигимни айтдим.

- Тўй тўхтагани аниқми ёки яна ўйлаб кўрасизми?

- Йўқ, ўйлаб бўлганман. Кўнглим тош, музга айланган. Сабоҳатнинг ота-оналари нима гаплагини сўраб келишганда ҳам шу гапни айтдим. Қилган ишим тўғри деб ўйлайман. Сиз меннинг гапларимни ёсангиз. Мен мухлис-ларингизнинг фикрини билгим келади. Маслаҳатларини аяшмаса хурсанд бўлардим.

Афсус! Элёр менга бу воқеани айтиб бераётганда кўз олдимга яхши ният билан бошланган тўйнинг тўхташидан боши ҳам бўлган, қадди эгилган, маҳзун ота-оналар келди...

Бу воқеани баён этишдан мақсад қизларнинг тўйга боришини таъқиқлаш эмас. Балки, тўйдан кейин ҳам тўй тасвирларини одамлар кўриши мумкин-ку. Шундай экан, ўйнаб тушса ҳам, ўйлаб тушиши керак эди-да... Ушбу тасвир эса Сабоҳатнинг бахтини барбод қилди. Элёр-ку, яхши бир қизга уйланиши мумкин, лекин Сабоҳат-чи? Унинг эл олдида шармисор бўлган ота-оналари қандай бош кўтариб юради? Сиз нима дейсиз, азиз мухлис, бу ҳақда сизнинг фикрингизни билишни жуда истардим.

ГУЛБАШАКАР

- Тошкетда яшаймиз. Ёшим 20 да. Бир оиланинг бекаси-ман. Бир фарзандим бор. Эрим жуда яхши инсон, севишиб турмуш қурганимиз. Лекин назаримда бир хатога йўл қўйгандекман, - дея гўшакдан ташивиши овоз билан гапира бошлади ўзини Наргиза деб таништирган аёл.

- Қандай қилиб?

- Тошкентдаги касалхоналардан бирида ҳамшира бўлиб ишлайман. Бир куни

қа бирорта рақам ёзиб бериш ҳам хаёлимга келмаган экан. Ана шундан кейин қилган ишимдан пуйшаймонлик ўтида қовури-ла бошладим.

- У сизни безовта қила бошлади-ми?

- Ҳа, эртасига телефоним жиринглади. Гўшакни олдим. Аввалига уни танимадим. У ўзини таништиргачгина танидим. Унинг исми Умар эди. Биз ундан-бундан гаплашдик. У оилали эканлигини, бир қизчаси

Мен кўнмадим.

Лекин атрофда қўшниларимиздан бир-иккитаси турганидан кўриб худди таксига ўтиригандек машинага дарров ўтириб олдим. У мени ишхонамга ташлаб кетди. Шу билан икки ойгача уни кўрмадим. Ҳатто у эсимдан ҳам чиқиб кетганди. Лекин...

- Яна кўнгирик қила бошладимми?

- Йўқ, чунки бу орада бизнинг телефон рақамларимиз ўзгар-

ди. Кейин ўзим унга ялинишга тушдим.

- Нега энди ялиндингиз?

- Э, нимасини айтмай? У ортимдан пойлаб уйимизни билиб олибди. У билан учрашиб турмасам уйимга кириб эримга мен ҳақимда тўхтат гапларни айтмоқчилигини айтиб қўқуртди. Шундан сўнг бу ишни қилмаслигини ўтиниб сўрадим. Шу куни уйга келиб роса йиғладим. Қайнонам жуда яхши аёл, у дарров кўнглимни сўради. Лекин унга бу гапни қай юз билан ҳам айтардим?

Бу гапни ҳеч кимга айта олмаслигим алам қиларди. Шундан сўнг қайнонам

Кўнгириқларингиз...

У МЕНИ ТИНЧ ҚЎЯРМИКАН?

ишга кечикдим. Шунда шошиб йўловчи машиналарга қўл кўтарга бошладим. Асабийлашиб нима қилишимни билмай турганимда бир такси келиб тўхтади. Ҳайдовчи менга қараб:

- Қаерга борасиз, синглим, қани ўтиринг!- деди. Мен хурсанд бўлиб машинага ўтирдим-да, иш жойимни тушунтирдим. Йўл-йўлақай у исми-минини, қаерда ишлашимни сўраб олди. Манзилимга етиб келдим. Машинадан тушаётиб пул берсам олмади. Телефонимни беришимни илтимос қилди. Мен эса унга у билан гаплаша олмаслигимни тушунтирдим. У ялинишга тушди. Ишхонамдан ҳамкасбларим чиқиб қолишдан хавотирда эдим. Шу боис телефон рақамимни ёзиб берсам ҳайдовчидан тезда қутуламан, - деб ўйладим. Бир қозғочча телефон рақамларимни ёзиб бердим. Бироқ бу ишимдан ҳалигача афсусланаман. Бош-

борлигини ҳам айтди. Мен ҳам ўз оилам ҳақида гапирдим. Шундан сўнг унга бизнинг гаплашишга ҳақимиз йўқлигини, иккимизнинг ҳам оиламиз бузилиши мумкинлигини яхши гаплар билан тушунтирдим.

- У тушунди-ми?

- Умар мен билан бошқа учрашмасликка сўз берди. Хуллас, мени тинч қўядиган бўлди. Мен ҳам соддалик қилиб унинг берган ваъдасига ишонибман. Енгил нафас олиб, уйдаги ишларимни бажара бошладим. Бироқ, мен адашган эканман. Анча кун ўтгандан кейин ишга борадиган бекатимда турсам ёнимга Умар келиб тўхтади. У машинага чиқишимни сўради.

ди. Уйимизга яқин жойдаги поликлиникага ишга ўтдим. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Бироқ, у яна пайдо бўлди...

- Қандай қилиб?

- Бир куни уни учратиб қолдим. У мени икки ойдан буён излаганини, ҳатто ишхонамга ҳам бир неча марта келиб сурштирганини айтди. "Мени изламасликка сўз бергандингиз-ку!" - дедим. У эса мени севиб қолганини, соғинганини айтди.

Мен эса унинг севгисини рад этиб, бундан нафратланишимни таъкидладим. Чунки унинг ҳам, қолверса, ўзимнинг ҳам оиламнинг дарз кетишини истамас эдим. Лекин у тушунмади. Қайтага жажли чиқиб, энди мени тинч қўймаслигини айт-

эримни чақириб қойди. Насихатлар қилди. Эрим эса менинг бу ҳолатимдан хайрон бўларди. Ўзим эса ич-этимни ердим. Ахир айбсиз айбдор эдим-да. Ахир Умар билан хуфиёна учрашмаган бўлсам, юрмаган бўлсам...

- Сиз унга қандай ваъда бердингиз?

- Нима ҳам дердим? Оиламни сақлаб қолиш учун ҳамма нарсасига тайёр эдим. Умар эса менга шарт қўйди. "Охири марта қачон десам, қаерга десам борасан. Сенга ёмонлик қилмайман. Норасида қизим билан қасам ичаман. Фақат бирга сўнги марта овқатлансак, суҳбатлашсак бўлди. Сенга айтадиган гапларим бор. Шуларни

бир умр юрагимда сақлаб юра олмайман. Илтимос, агар сени тинч қўйишимни, ҳаёлимдан чиқариб ташлашимни истасан, илтимосимни рад этмагин!" - дея роса ёлворди.

- Таклифига қўндингизми?

- Ўйлаб қўришим учун икки кун вақт олдим. Мана, эртага учрашувга чиқишим керак. Агар чиқмасам оилам бузилиши мумкин. Иккилашиб қолганман. У бир марта берган ваъдасидан қайтди. Унга ишонсам, мени бадном қилса-чи? Оила аъзоларим, айниқса, болам олдида юзим шувутдек. Нима қилсам экан? Унинг таклифига кўнсаммикан? Лекин у мени алдаса, оиламдагилар бу гапдан хабар топишса-чи? Унда нима қиламан? Ёки ҳамма гапни уйдагиларга айтиб берсаммикан?

Наргиза ўзини қийнаётган муаммо ҳақида гапириб бергач, жавобимни ҳам кутмасдан гўшакни қўйиб қўйди.

Наргиза чиндан ҳам қийин аҳволга тушиб қолибди. Бу ҳолатда битта гап ҳам ортиқча, ҳам камлик қилади. Шундай экан, учрашувга бормгани, яхшиси ҳамма гапни уйдагиларга очик-ойдин айтиб бергани маъқул. Акс ҳолда Умар охири-оқибат унинг оиласини бузиб юбориши мумкин. Бор гапни айтиб, учрашувга ҳам эри билан чиқиб орани очик қилиб олишлари керак. Биз Наргизага шундай маслаҳат берган бўлардик. Сизчи, азиз мухлис, қийин аҳволда қолган бу аёлга нима деб маслаҳат берган бўлардингиз?

НОДИРА

ИНИНГИЗДЕК БЎЛСИН ҚАЙНИНГИЗ

Мақолани ўқидиму, ҳам отасидан, ҳам онасидан айрилган Рустамга жуда раҳим келди. Келинойиси Дилдоранинг хатти-ҳаракатларидан, Рустамга ўтказиб берган зулмларидан газабланиб кетдим.

Наҳотки, Дилдора уй ишларига ёрдамлашаётган, жиянларини катта қилаётган қайнисига раҳмат дейиш ўрнига, унга газабини сочса? Мен Рустамнинг акиси Ашрафга ҳам ҳайронман. Укасини кўнглини кўтариш, унга қаттиқ гапирмаслик ҳақида хотинига танбех бериш мумкин-ку, ахир?! Нимага етимлик азобини тортаётган жигарини хотинига хўрлатиб қўйибди...

Ашраф! Сиз укангизни тезлик билан уйингизга олиб келинг, ўқишга киритинг. Отанаси йўқлигини билдирманг. Унга оталик қилинг, у билан сирдош бўлинг, отанангизнинг руҳини чирқирата кўрманг.

Дилдора! Сиз ҳам фарзанд тарбиялаясиз, тошбағирлик қилманг. Рустамни олиб келиб, фарзандларингиз қаторида тарбияланг. Оналик қилинг. Инсофли, диёнатли бўлинг. Етимни хўрласангиз, бир кун жабрини тортасиз, буни унутманг. Гулчехра! Сиз ҳам узукни топиб олиб, сақлаб юриб нотўғри иш қилгансиз. Бу қилган ишингиз ўғирликка яқин-ку. Қўшни сифатида Рустамни келин ойиси ёмон кўришини билардингиз-ку! Нимага унга жабр қилдингиз? Узукни йўқолиши унга зарба бўлди-ку! Ру-



Август

стамни уйига қайтаришга биргалишиб ҳаракат қилинг.

Рустам! Маслаҳатим шуки, туғилган уйингизга қайтинг, ўқишга кириб, келажақда бахтли инсон бўлинг. Агар келин ойингиз яна сизга зулм қилса, маҳалла фуқаролар йиғинига бориб, уни кир-

дикорларини фош қилинг, тартибга чақириб, жамоатчилик уни инсофга чақириб қўйсинлар.

Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,
Андижон вилояти,
Маънавият тарғибот маркази
Булоқбоши туман бўлими раҳбари.

“Чечага қолдим, кўчада қолдим”-22-сон

ЭСЛАТМА: Қўшнимнинг узугуни ўғираганим. У бу ишда қайнисини айблаб, унга кўп азоб берди. У эса уйдан кетиб қолди. Виждоним қўйнаиб, ўйимга нима бўлганини айтдим. У эса келинойисидан хафа эди...

Муаллиф: Ҳ. Ҳотамбоева.

Ушбу мақолани ўқиб, 1942 йилда Тожик қишлоғидан бизнинг маҳаллага кўчиб келган бир оиланинг ҳаёти ёдимга тушди. Уларнинг бир қиз, бир ўғли бор эди. Турмуш ўртоғи Ҳайдарали ака ҳўжаликда қурилиш устаси, хотини Ҳўлжон опа далада ишлар эди. Уруш тугаб, ҳамма ўз юртига кетди. Лекин улар кетишмади. Маҳалла ахли билан ака-укадек бўлиб кетишган эди. Йиллар ўтиб, улар яна бир қиз-у уч ўғилли бўлишди. 1950 йили кизлари Аслинсани ўз маҳалласига узатишди. 1953 йили ўғиллари Маҳамадалини Тожик қишлоғидан Фотимахон исмли кизга уйлантиришди. Бу фарзандлар камолни кўриш насиб этмади. 1981 йили касаллик туфайли Ҳўлжон опа, 1974 йили турмуш ўртоғи Ҳайдарали ака вафот этишди. Бир қиз, уч ўғил ака ва келинойиси қўлларидан қолди. Болаларнинг ташвиши акаю келинойисининг зиммасида бўлди. Буларнинг кир-чири, озиқ-овқати келинойиси Фоти-ма опани эсанкиратиб қўймади. Болалар шўхлик қилишса, мақо-

ладаги Дилдорага ўхшаб, ёмонлик қилмай, қайтага турмуш ўртоғини уришиб берарди. «Дадаси ҳали бу укаларингиз ёш, эси кириб қолар», деб болаларнинг тарафини оларди. Ака-укалар ахил, акиси, айниқса Фотимахон келинойисига меҳрибон бўлишди. Улар бирин-кетин воёга етишди. Аввал сингилни узатишди, сўнг бирин-кетин Муротали, Эсонали, Рустамжонларни ўзлари хоҳлаган кизларига уйлантиришди.

Уч ака-ука уриш-жанжалсиз яшаб, кейинчалик ҳовли берарди, алоҳида чиқиб кетишди. Ҳозир ота-она ҳовлисида Рустамжон яшаб, чирогини ёқиб ўтирибди. Ҳаммининг уларга ҳаваси келади. Улар куёвли, келини бўлишди. Агар катта ака ёки укалар бирор маросим қилишса, она ўрнида Маҳамадали акани, ота ўрнида Фотимахон опани тўрга ўтказиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйишди.

Балким, бизнинг вилояти-мизда ҳам оз бўлса-да, гурч курмаксиз бўлмас, деганларидек, Дилдорахонга ўхшаш келинойилар учраб қолар. Балким, Фотимахон опага ўхшаш етим болаларнинг бошини силаб юрган келинойилар ҳам бордур.

Мен бу мақолани ёзишдан мақсадим шуки, гезидадаги Дилдорахонга ўхшаш келинойилар сафлари камайиб, Фотимахонга ўхшаган келинойилар сафлари кўпаяверсин!

ПАТТИХОН САМАДОВА,
Фарғона вилояти.

БУ ЙЎЛДАН ҚАЙТИНГ!

“Бу оловни қандай ўчирай”-33-сон

ЭСЛАТМА: Эрим билан ажрашмоқчи бўлиб юрганымда, сулда бир ўйим менга кўп ёраам берди. Ахир, у мену сени қолганганини айтди. Мен ҳам уни севиб қолганим. Эрим эса мен билан ярашди. Ҳозир у билан шикки болам учун яшапман. Аммо қалбимдаги шўғу менга тинчлик бермаяпти. Нима қилай?

Муаллиф: Нигора

Мақолани ўқирканман, бошқаларни билмадим-у, аммо бу “олов” воқеаси мени тамоман даҳшатта солди. Тафаккурли, ибодли, ҳаёли, андишали халқимизга тўғри келмас иборалар...

Мен кекса кайвони, кўпни кўрган аёлман. Одам борки, ҳар бири бирор миллатга ҳосидир. Маълумки, миллатнинг ўз қадрияти ва ўзига хос удумлари мавжуд.

Нигорахон! Сиз шу буюк Турон юртидаги ўзбек фарзандисиз! Ўз юртингиз, ўз миллатингиз фарзандларини ўйламабсиз! Тошу тарозига солиб кўрмабсиз! Яна ёшингиз ҳам 18 да эмас, 26 да эмас. Турмуш ўртоғингиз билан орангизда гап ўтиб, суд идораларига борибсиз-а! “Эх... хом сут эмган банд-а!” Бир эмас, иккита норасида фарзандларингиз хаёлингиздан кўтарилибди-я... Ўзингиздан тўрт ёш кичик йигитни “севиб” қолибсиз?

Шу ўринда мен ўз янгам ҳақида сўзлаб бермоқчиман! Урушнинг сўнгги йиллари. Эндигина 18 баҳорга тўлган янгамнинг акам урушга кетар кечаси кўзи ёриб, ўғил фарзанд кўрдилар. Ўғлининг кўзи очилар-очилмас, бечора акам ноилжод “уруш” номи билан аталмиш киргинбарот жангга жўнаб кетдилар. Янгам эса эндигина туғилган чақалоқ кўлида кўзда шашқатор ёшлари билан куйганича қолдилар.

Шу кезларда бечора янгамнинг бир умрга фарзанди билан тул қолиши ва умрбод кўзлари йўл пойлаб ўтиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди...

Янгам вақти-соати етгунга қадар умр бўйи жангга кетган акамни кутиб ўтдилар. (Янгам 1963 йилда оламдан ўтдилар). Янгам - янгамнинг умрларининг сўнгги кунларига қадар бизнинг хонадонимизда яшадилар. Заводда ишладилар, қўни-қўшниларимизнинг кийим-кечакларини тикиб, оила юмушларига кўмаклашар эдилар.

Янгамнинг дилбарлиги, саранжому саришталигидан хабар топганлар кўп, уларга оғиз солиб келувчи совчилар ҳам анчагина эди. Ҳамон ёдимда, шундай кезларда онам раҳматлик тўлиб-тошиб унисизгина йиғлардилар.

Қақшатқич ва аёвсиз урушнинг тугаганига бир қанча йиллар ўтишига қарамай, ўз умр йўлдошидан умидини узмаган янгам шундай кезларда бир иборани бўзлаб такрорлайверар эдилар:

“Келади дўстларим, ёрим келади, Дадажониси, шунқорим келади...” деб. Онажоним янгамни, улар эса ўз ўрнида онажонимни жуда ҳурмат қилар, она-болалардек эдилар. Бир-бирларига қаттиқ суячлик эдилар. Шу йўла ҳар иккиларининг интизорлик дардлари бўлинар эди. Бу “дард” эса уларни янада бир-бирларига яқинлаштириб қўйгандек эди.

Бечора янгам ўз дардини доимо ичига ютар, хат танимас, соддадил онамларга бир парча қоғозни кўрсатиб: “Ойижон бугун госпиталда эканлар, бир оз яраланибдилар”, - деган баҳоналарни айтиб, тинчлантирар эдилар.

Онам жон таслим қилар чоғларида, янгам: “Ойижоним, ўғлингиздан хат келди”, деб айтганларида, онажоним аранг: “Ал-даманг, билардим, авваллари алдаб келишингизни билар эдим. Энди эса ўзим...” - дея мангуга кўз юмдилар...

Айтинг-чи, Нигора қизим, 18 ёшда севган ёрини фронтга жўнатган янгам аёл

эмасмиди? Мени, ўғлини, онамни ташлаб келигадир жуфти ҳалол бўлишга ҳақлимиди ёки йўқ?!

Унинг аламга, гамага, соғинчга, меҳнатга барча-барчасига бардоши етарди. Ет-маса-да, ўзгаларга билдирмасди. Чунки у мусулма ўзбек кизи эди. Андишалик ўзбек миллатининг буюк фарзанди эди. Яна сизга айтмай! Турмуш ўртоғингиз яшиб инсон, инсофли ота экан. Вақтида етиб келиб, этагингизни ёпиб қолибди.

Қизим, “Яхши идора ходимасиман, ҳаётим ўнгалди, яхши яшапмиз, фарзандим ёнимда”, дебсиз. Фарзандим, иш жойим, турмуш ўртоғим ёнимда, дея туриб қилган бу ишингиз...

“Юрагимдаги бегона ўт ёндиради”, деб ёзибсиз. Ўз турмуш ўртоғингизга: “Кўнглим йўқ”, дея очикдан-очик, ҳаёсизларча айтибсиз... Ўзбекона миллий удумларимиз асосида ўйлаб кўрмабсиз. Икки фарзанд, бут рўзгорингиз хозир-

ги кунда оилангизга меҳрли бўлган турмуш ўртоғингизни қадрламай, юзхотир қилмай бегонага кўнгил қўйибсиз. Яна буни ҳеч муболагасиз: “Юрагимдаги ўт...” деб атабсиз-а?!

Сизда на юрак, на ўзингиздан тўрт ёш кичик бўлган йигитчага муҳаббат бор! Четдан кириб келган таъсирлардан вақтинчалик илҳомланиш деб биланман, мен буни. Юрагингизда у бечора йигитга нисбатан ўзин ҳам, ҳаё ҳам йўқ. Ўз ҳиссиётларингизни жилволай олмай: “Аёл макрига учраган бир йигитчани телбалантиргансиз”, холос.

Мана бу ёлгон олов сизда ҳам, у бечора йигитда ҳам узокқа бормади. Мен буни оддий “ишқинг бир ўми” деб атамайман. Ўчган листа қўмирга вақтинчалик тушган - ёна билмас бир онлик тезда йўқ бўлгучи учкун, деб биланман, холос.

Маслаҳат сўрабсиз, сизга биргина йўл, оилангизни қўлингизда маҳкам ушлаш! У йигитни тинч қўйиб, унинг ўрнига ўз фарзандларингизни ўйланг.

Мен сиз тутган йўлни покиза йўл деб билмайман. Эл олдида, фарзандлар олдида лаянлат қаймай десангиз, бу адашган йўлдан қайтинг.

Яна сўзимнинг сўнггида шуларни айтиб қўйишни лозим топдимки, ҳар бир инсонда озми-кўпми “виждон” дея аталмиш ҳакам ўз ҳукмини ўтказди. Кимлардир бу Олий ҳакамдан кўриб, кўп нохушликлардан ўзларини тийиб юрадилар. Ёъзи кимсаларда бу ҳакам яхши-ёмон ишлар натижасида мудраб қолиши ёки вақтинчаликка кўз юмиши мумкин. Аммо бир кунни ўзининг борлигини билдиради.

Ҳайронман, Нигорахон, виждонингиз сизни қийноққа солганида, ҳакамлик бурчини бажарганида қандай йўл тугар экансиз?

Яна ўзингиз биласиз...

Ўқтамхон АБДУЛЛАЕВА

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Қизимиз РАҲНО!
19 ёшинг муборак бўлсин. Сенга узоқ умр, бахт-саодат, ўйлаган орзуларинг амалга ошшида тилакдошимиз.
Яқинларинг. Тошкент шаҳри.

Азиз қизимиз ДИЛАФРҮЗХОН!
Таваллу тошган кунинг билан табриклаймиз. Ҳаётингга бахт, ишларингга омад қулиб боқшини Оллоҳдан сўраб қоламиз.
Оила аъзоларинг



Меҳрибон ГУЛНОРА Ҳожи она!
70 ёшинг билан табриклаймиз. Бахтимизга роҳатимизни кўриш насиб этсин.
Келинингиз Муҳаддас. Тошкент шаҳри.

Онажонимиз УҒИЛОЙ!
Таваллу айёмингиз кутлағ бўлсин. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.
Фарзандларингиз.



ДИЛФУЗА она!
Таваллу айёмингиз муборак бўлсин. Ҳаётингиз шодликларга тўлиб, доимо кўзингизда қувонч порлаб турсин.
Укангиз Санжар

Хурматли ОНАЖОН!
Туғилган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сўхат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.
Фарзандларингиз



Муҳтарам Жаббор РАЗЗОҚОВ!

60 йиллик таваллу айёмингиз билан муборакбод этамиз. Доимо эл-юртнинг ардоғида юринг. Қалбингизни шўҳом тарқ этмасин.

Бахтиёр Шамсиддиновлар оиласи.

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!

Инсон бошига тушган барча синовларни фарзандлари туфайли енгар экан. Кутилмаганда турмуш ўртоғим вафот этди. Тўрт болам билан зор йиғлаганимча қолдим. Орадан бироз вақт ўтган, қор-ёғири таъсириданми ёки эскилиги учунми, Миннатдорчилик ёшаб турган уйимизнинг томи қулаб тушди. Совуқ кунларда болаларим билан палаткада яшадик. Уйни таъмирлаш учун маблағим йўқ. Нима қилишимни билмасдан ўзимиз яшаб турган Эшонгузар маҳалласи кўмитаси раиси Насибидин ака ва ма-

ҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Карима опанинг ёнига ёрдам сўраб чиқдим. Улар мени ноумид қайтаришмади. Муруватли инсонлар билан гаплашиб, қўлларидан келганча ёрдам беришди.

Миннатдорчилик

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ООО «ELNORA-SITORA» фирмасининг раҳбари Мажидов Абдуҳамид аканинг ёрдами билан уйимни тиклаб олдим. Мен юртимиздаги мана шу сабоқ-талаб, меҳрибон инсонлардан миннатдорман. Илоё, соғ-омон бўлишинг!

Феруза ИСМОИЛОВА

«Oila va jamiyat» ўқитномаси

Хазонли боғларда бўлбўл бўлмайди, Совиган юракда кўнгили бўлмайди. Кечира олса ҳам, доғи қолади, Хиёнат зарбаси енгил бўлмайди.

Кундошлар бирикса, сози чиқмайди, Поракўрдан одил қози чиқмайди. Одам ҳам, хайвон ҳам наслига тортар, Ҳар қандай кўппакдан този чиқмайди.

Пардабой КУЛАТОВ

ТАТУдан 2004 йилда ШАМСИДДИНОВ ОЙБЕК НУРМУРОДОВИЧ номига берилган 450-04 КТТУ 04КТ004 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ТАТУдан 2004 йилда ТОҒАЕВ АЛЕГ СУЛТОНОВИЧ номига берилган 04 КТ 005 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ТАТУдан БЎТАЕВ АКБАР ШОПЎЛАТОВИЧга 2005 йилда берилган 35Р007 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ТАТУдан АҲМЕДОВ ШУКРУЛЛА ИСЛОМОВИЧга 2004 йилда берилган 04КТ006 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

КҮЙ (21.03 — 20.04). - Саёҳат учун жуда қулай ҳафта. Шунингдек, янги режалар тузиш ҳам сизга катта омадлар келтиради.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Энг оғир ва масъулиятли ишларни бажарасиз. Сурункали касалликларни даволатишингиз мумкин. Яши ишингиз учун тақдирланасиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Яқин қариндошларингиз сабабли оилангизда бироз келишмовчилик чиқади. Уй-рўзгор ишлари билан шуғулланг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Уй таъмирлаш ишларини бошлаганингиз маъқул. Бирор нарса катта нархда сотишингиз ёки арзон буюм харид қилишингиз эҳтимоли бор.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Дароматингиз ошиши ўзингизга боғлиқ. Ҳамкорларингизнинг таклифларини рад этмаслигингиз керак.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Янги уй ёки ер сотиб олишингиз мумкин. Шунингдек, ўз саломатлигингиз ҳақида қай-гуришни ҳам унутманг.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Янги шартномалар тузишга иккиланмасдан киришинг. Ҳафта сизга бошлаган барча ишларингиз муваффақият келтиради.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Қўшимча иш таклиф қилишлари мумкин. Режаларингиз ўзгаради. Санъатга оид ишларингиз сал орқага кетиши мумкин.

БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Янги дўстлар орттирасиз. Кўплаб муаммоларингизни ҳал қиласиз. Оилада эса бироз етишмовчилик чиқиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Унумли меҳнатдан сўнг дам олишни ҳам унутманг. Олисдаги қариндошларингиздан кутилмаган хабар эшитасиз.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02). - Дўстларингиз билан биргаликда ўз билимингизни оширишингиз мумкин. Ҳаётингизда ўзгариш бўлиши кутилмоқда.

БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Ишдаги лавозимингиз ошиши билан қўлингизга катта маблаг келиб тушади. Дўстларингиз сафи янада кўпайиши мумкин.



АБДУРАҲМОН хусусий шифохонасида

ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси" сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғлини касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32-уй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, унга бурилади.

Оила ва жамият

Газетхон—газета ва ҳаёт ҳақида

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мен вазифам тақозоси ила кўп сонли китобхоналаримизнинг китобларга, газета ва журналларга бўлган муносабатларини, хоҳиш ва истакларини доимий равишда ўрганиб бораман ҳамда уларнинг талаб ва эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга ҳаракат қиламан.

Duosidan kuch ol—quvonsin ular, Dunyoda boringdan doim shod bo'lar. O'zingmas ularchun qilgin ibodat, Kun kelib farzandning senga qatrarar.

Voy desang sen bilab birga o'ladi, Ne desang bariga tayyor turadi. O'zi och-u avval senga tutadi, Sen uchun hattoki jondan kechadi.

Qunduzxon EGAMOVA,
Toshkent shahar
Hamza tumani 69- maktab
11-sinf o'quvchisi.



Maftuna va Mohigul EMINJONOVA.
Andijon viloyati, Marhamat tumani,
1- bog'cha-maktab o'quvchilari.



Ko'zlarim oldida guldek yastanib O'tmishing moziydan so'zlar rivoyat. O'zimni angladim men seni tanib Ey, qadim diyorum, ko'hna ota yurt.

Senda orzularim taratar ifor, Ta'rifing bitmoqqa topilmas baho. Har nima o'tkinci erur dunyoda, Faqat sen abadiy qolursan tanho.

YASHAGIM KELADI DUNYO SEN BILAN

Lolarang shafaqqa o'ralgan yurak, Nafis xayollarning kuyida tentir. Hislarim o'tida yonadi falak, Meni chorlayverar qaydadir kimdir.

Bag'rimni yoqadi qandaydir sehr, Orzumand xayolga burkangan har yon. Meni o'z domiga tortar qanday sir, Yashagim keladi dunyo sen bilan.

Durdona ABDUMAJID qizi,
JIDU qoshidagi "Shayxontoxur"
akademik litsey o'quvchisi.



НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

ЭНГ КАТТА КУШ

Жанубий Американинг Анд тоғларида яшовчи коңдор уцадиган кушларнинг энг йириги саналади. У тоғлар орасида, қояларга ин куриб яшайди. У қанотлари-ни ёйганда 3 метрга етади, оғирлиги эса 15 килограммдан ошиши мумкин. Коңдор ер сатҳидан 10 минг метр баландликкача кутарила олади ва қанотларини ёйганча узок вақт ҳавода муаллақ учиб юради. У йирткич куш бўлиб, кўзининг ўткирлиги ва сезгисининг кучлилиги боис ўлжаси-ни узакдан пайкайди.

Қадимги Перунинг маҳаллий хиндула-ри коңдорни муқаддас куш, деб би-лишган. Унинг суратларини ибодатхо-наларининг деворларига чизишган.

ЭНГ ЧОПАФОН ХАЙВОН

Африка йирткичи гепард қисқа масо-фаларга югуришда энг катта тезликка эга хайвон ҳисобланади. Бундан ташқари у йирткичлар орасида энг моҳир овчи сифатида ҳам машҳур. Гепарднинг ўлжаси ҳеч қачон қочиб кутулол-майди.



Гепард мушуксимонлар оиласига мансуб бўлиб, ташқи кўри-нишдан панте-рани ва оддий уй мушугини эслатади.

Гепардлар Африка саванналарида яшайди ва куён, антилопа (кийикнинг бир тури) ҳамда айрим кушларни ов-лаб кун кечиради.

СУТ ЭМИЗУВЧИ ХАЙВОНЛАР

Сут эмизувчи хайвонларнинг бошқа жонотлардан асосий фарқларидан бири шуки, улар болаларини эмизиб катта қилишади. Уз номларини ҳам ай-нан шундан олишган. Боласини эмизиш учун ургочи хайвонда махсус сут без-лари, яъни елинлари бўлади. Хайвон-ларнинг сути ёғлар, оксиллар ва бошқа зарур моддаларга бой бўлади.

Бундан ташқари барча сут эмизувчи-лар боласини тирик ҳолида туғади, яъни улар тухумдан, ёки балиқлардагига ўшаб увилдириқдан чиқмайди. Бошқа-ча айтганда, худди одамга ўшаб сут эмизувчиларнинг боласи ҳам бир неча ой бачадонида ривожланади ва шундан сўнг дунёга келади.

СУТ ЭМИЗУВЧИЛАРДА БОЛА ТАРБИЯСИ

Одатда, сут эмизувчи хайвонларда бола тарбияси ва парвариши билан ургочиси машғул бўлади. У болалари-ни эмизади, бошқа хайвонларнинг та-жовузларидан химоя қилади, емиш то-пишни ўргатади.

Турли сут эмизувчилар болаларини турли муддатларда парвариш қилади-лар. Масалан, бу жараён итларда бир йилдан камрок, йўлбарсларда бир йил-дан уч йилгача, айиқларда бир ярим йил, пумаларда 2,5 йилдан 3 йилгача, шер ва шимпанзе маймунларида эса 3 йил-дан 4 йилгача давом этади.

ШЕРЛАР РОСТДАН ХАМ КЎРКИНЧИЛИМИ?

Шерлар Африка ва Осиёда яшайди. У йирткич хайвон бўлиб, фақат гўшт еб кун кечиради.

Шерлар чаққонлиги ва кучлилиги би-лан донг таратган, шунингдек, уларнинг ташқи кўриниши ҳам жуда ҳайбатли бўлади. Кўпгина хайвонлар, айниқса



зебралар шерлардан қаттиқ кўрқиша-ди. Шерларнинг ўзи эса ҳеч бир хай-вондан кўрқмайди. Фақатгина филлар-дан ҳамда коңхўр ҳашаротлардан эҳти-ёт бўлишади. Турли миш-мишларга қарамай, шерлар кўрқинчли ва тажо-вузкор эмас. Улар одатда ўзларини жуда тинч ва босиқ тутадилар.

Шерлар антилопа ва зебраларни, жи-рафа ва буйвол(Африка ёввойи ҳўки-зи)ларни овлайди.

ҚАЙСИ ХАЙВОН ОЧЛИККА ЧИДАМЛИ?

Ер юзидаги аксарият чўлларда, жум-ладан, Африкадаги Сахрои Кабирда, Осиёнинг Гоби чўлида оғир шароитлар-га мослашган хайвон - туялар яшайди.

Туя жуда кучли хайвон бўлиб, иссиқ ва қурғоқчиликка чидамда унга тенг ке-ладигани топилмайди. Шу боис чўл ва даштларда истиқомат қилувчи одамлар улардан юк ташишда ҳамда транспорт воситаси сифатида фойдаланадилар. Туя бир неча кунгача овқат емай яша-ши мумкин. Унинг белида иккита(бошқа бир турида эса битта) ўрқачи бўлиб, унда ёғ тўғланади. Озуқа бўлмаган пайтлар-да туяни ана шу ёғ очлиқдан асрайди. Бундан ташқари туянинг ошқозонида махсус захира меши бўлиб, унда сув сақлайди ва ташналикка чидаб чўлда бир неча кунлаб юрaveraди.

Жанубий Америка тоғларида яшовчи ламалар ҳам туясимонлар оиласига ман-суб хайвон ҳисобланади.

ШИМПАНЗЕ ОДАМГА ЎХШАЙДИМИ?

Аслида ташқи кўринишдан шимпан-зе ҳамда горилла ва орангутанлар одамга унчалик ҳам ўхшашмайди. Аммо уларда, айниқса шимпанзеда одамга хос айрим хислатлар кўзга ташланади



туради. Хусусан, у ҳам худди одам каби икки оёқда юра олади, қўллари билан турли буюмлар ва емишларни ушлаш-ни ҳам эплайди, кўзлари бир-бирига яқин жойлашган, бош чаноғи анча яхши ривожланган.

Шимпанзелар Африка ўрмонлари-да яшайди ва ўсимликларни еб кун кечиради.

ДАРМОН тайёрлади.

ТАХРИРИЯТДАН: Газета тахлamlарини варақларканмиз, бундан бир неча йил илгари чоп этилган куйидаги дил изҳорига кўзимиз тушди, беихтиёр қайтадан ўқиб чиқдик. Муҳаббатга асир бир кўнгил нолалари бизнинг қалбимизни ҳам жунбушга келтирди ва «дил изҳори»ни яна чоп этишга ҳазн қилдик. Зора бу кечмиш минглаб муҳлисларимиз қалбига ҳам гўзал туйғулар жозибасини бахш этса, уларни покласа, юксалтса, дея ният қилдик. Яна бир гап—агар мақола муаллифи ўзининг бугунги кунини, бугунги қалб ҳолатидан бизни огоҳ этгиси келса—мақтубини кутиб қоламиз.

Азиз муҳлис, сиз ҳам муҳаббатли дилингни бизга очасиз, деган умидимиз ҳам йўқ эмас.

Сен ҳақингда ҳамиша илиқ сўзлар эшитаман. "Жуда яхши шифокор", дея алқашади... Қалбимни фахр-ифтихор хислари чулғайди. Бунга ҳақим борим, йўқми, билмадим. Бироқ ўзбегимнинг оналари, аёлларига ана шундай фахр-ифтихор туйғуси ҳамиша ҳамроҳ бўлишини истайман...

...Эсимни танибманки, ёлғиз овунчоғим китобу, ягона ҳамроҳим фақат дард бўлган. Мен ҳаста дилга бирор сирдош-дўст йўқ эди. Буни орзу ҳам қилмаганман. Тўғри, мени севган, ардоқлаган, ҳамиша тушуниб келган азиз инсон - қўблагохим бор эди. 7 йил бўлди ёлғиз суянчимдан ҳам жудо бўлганман. Ҳеч бир инсон "ҳеч қачон қалбимдан жой олган эмас. Аммо, бу ёш шифокор..."

Бир қарашда европаликларга ўхшаб кетадиган бу йигитнинг тўпори кийиниши-ю, кўполдан-кўпол текширишлари дастлаб энсамни қотирди. Бош врачга учраб: "Бошқа шифокор тайинланг!", демоқчи бўлдим. Бироқ, кейинги кунлар унинг нанки яхши шифокор, балки ажойиб қалб эгаси эканлиги ҳам аён бўла борди.

Ёш қиз эмасман. Юрт кезган, кўпни кўрган аёлман. Болаликдан ортирилган дард туфайли умрим шифохона-шифохона ўтапти. Уйласам фақат, фақатгина шифокорлардан меҳр кўрибман, холос. Уларни ҳамиша миннатдорлик билан эслайман. Назаримда бу ёш шифокор мени тушунгандай эди, гўё. Унингдек беозор, самимий инсонни ҳеч қачон учратмаганман. Зеро, мен бир умр орзу қилган, эндиликда эса армонга айланган ҳаёлимдаги мукамал инсонни унинг сиймосида кўрдим. Азоб билан тонг оттирар эканман, у кириб келгач, гўё дардим ҳам чекинди...

Ёлғиз менинг эмас, кекса онахону, нуроний отахонлар, барча-барча беморлар меҳрини қозонганди у. Беихтиёр, ҳар тонг, шундай нури юз ва маъсум нигоҳли бандани яратган оллоҳга ҳамду санолар ўқирдим.

Шифохонада ҳам "Оила ва жамият" менга ҳамроҳ, ҳамдам эди. Апрельнинг ифорли бир тонги... Рўзноманинг янги сонини ўқийтгандим. Шифокорим хонага кириб келди.

- Шоирамисиз, шеър ёзасизми?... - дея сўради. Гарчи рад жавоби берсамда, шундай атай бошлади. Шу газета сабаб дўстлашиб кетдик. У жуда ажойиб сўхбатдош эди.

Доктор қалбимда фақат ишончгина эмас, ҳавас ҳам уйғотди. "Тезроқ соғайсам эди. Бир ўлонни тарбиямга олмақчиман. Сенга ўшаган шифокор ё зобит ўғлим бўлишини хоҳлайман", - дея арзиҳол этдим.

- Турмушга чиқинг, - маслаҳат берди.

- Мендек дардманд кимга ҳам керак... Мабодо, сиз — 20 яшар йигит, мен эса 18 ёшли қиз бўлганимда... менга ... уйла-нар-мидин-ғиз?

- Ҳа, - деган жавобни олдим.

- Ишонмайман, - инкор этдим, мен. Сени тушуниш мумкин. Сен ўз бурчингни бажардинг. Бир бемор қалбига таскин, тасалли бердинг. Шу биргина каломинг билан ҳазон бўлган қалбимни (гул эмас) осмонларга олиб чиқдинг. Эсласам, вужудим титраб, антик-антик кетаман... Ахир, шундай бўлиши ҳам мумкин эди-да!

Мен ҳам севишим, севишим, сенингдек бир бебаҳо (инсоннинг) қалбинг соҳибаси бўлишим мумкин эди. Аммо, тақдиримга фақат дард ва армон битилган экан. Нега пешонамга бу бедавод дард ёпишган. Тангим, нега мени дардманд қилиб яратди ва яна нега сенингдек шифокор билан учраштирди? Беморлик менинг қисматим, та-

библик эса сенинг... Бу ахир тақдир битиги, менинг хоҳишим эмас-ку!...

Дардимга малҳам бўлиб, тунлари теграмда бедор бўлган шифокоримга (асли шоира бўлмасам-да) миннатдорлик қалбимдан маржондек тўкилди:

**Соғиниб кутгандим ўзингни,
Қайдан ҳам учратдим мен сени.
Кўзларим интизор йўлингга,
Лабларим пичирлар, исмингни.**

**Табибим, тушунгин дардимни,
Мен ахир телбаман кўйингда.**

**Жисмимдан олиб сен дардимни,
Қалбимга жойладинг меҳрингни.**

Эҳ... Нечун жойладинг меҳрингни.

Булар ҳаста дилинг шифокорига меҳри, ихлоси эди, холос. Аслида буни англа-тиш ниятим йўқ

**Онамсан, синглимсан, ёримсан, фақат.
Дунёда энг азиз дўстим - ягона.
(Ф.ҒУЛОМ)**

Сен мен учун ана шундай азиз дўстсан. Тўғрироғи, қалбимда оналик, опалик, сингиллик меҳри барча-барчаси мужас-самдек, гўё.

Туш кўрибман. Жуда маъюс, гамгин эмисман. Каттиқ кўрқув ичра уйғондим. Юрак уришдан тўхтаб, тошдай қотиб қолдим. Минг азобда тонг оттириб, телбаларча ёнингга учдим. Иш жойингда хотиржам кўргач, елкамдан тоғ кулаган-дек, танамга жон қайтгандек бўлди. Сени безовта қилишни истамаганман. Ҳаёлим ўзимда эмасди. Сендан жуда хавотирда эдим.

...Пешонамда яна қанча шундай азобли тунлар бор, билмайман. Оллоҳдан тун-кун фақат сенинг тинчлигингни сўрайман. Очқ юз билан кутиб олдинг. Кейин эса сипо, жиддий қиёфага кирдинг. "Нима хизмат?", дея расмий оҳангга ўтдинг.

...Тезгина хайрлашдик. Кетяпман. "Бе-



эди. Шифокорим, шеъриятни тушунаман, дегандинг.

Бироқ... Ушанда сўнги муолажаларни олардим. Самимий, илиқ муомалалар ўзгарди. Гўё ўртмамизда девор пайдо бўлди. Мен ҳаста бемор, сен эса шифокор - ўртада тўсиқ бўлиши мумкинми? Ахир сену биз дард олдида бирлашгандик-ку, шундай эмасми, табибим!

Кетар эканман, аламлар бўғимини куйдирди, улар сўз бўлиб, тилимга кўчди: "Кўрқманг, осилиб олмайман. Бемор пайтим керак эдингиз, энди соғман... Энди менга керагингиз йўқ..."

Дилимда эса ўзгача сўзлар:

Шифокорим, мени кечир. Айб ўзимда. Ўзим келдим. Азобларни ўзимга олдим. Сенга ҳам, ҳеч кимга заррача ғараз тиламайман. Озорларим учун уэр сўрайман. Айбим учун, оллоҳ жазолар...

Тилагим, эл эъзозлаган инсон бўл. Ўтинчим, аёл қалби билан ҳазиллашма, илтимос. Ёрдамнинг учун ташаккур.

- "Опам мени яхши кўради", - сенинг сўзларинг. Қалбимдаги хисларга ўзим ҳам ишонмайман. Бу шунчаки яхши кўриш эмас. Асло, бундай эмас.

кор келдим. Келмаслигим керак эди"... Қадамларим сендан узоқлашади. Ҳаёл эса сен томон учади. Саболар дил розини етказдимни сенга: "Минг бор уэр. Сўз бераман. Бошқа безовта қилмайман, сени. Ҳатто ўлар ҳолатда ҳам... Ўзимга хонман, дадилман. Истасам бир кечада отга ўнгариб, олиб қочиб кетишим мумкин (ҳазил). Бироқ... хотиржам бўлинг. Асло бундай бўлмайди... Газетадаги ушбу мақолани ўқисанг... Улар шу ерда, 4-палатада битилган "Бир бемор тарихи". Шифокор сир сақлайди, албатта.

Ўзингни эҳтиёт қил. Зотан, дилингда нафақат қатра гамни, балки эгингда заррача гарди ҳам раво кўрмайман".

... Кунлар, ойлар, йиллар ўтапти... Соғинч дилимни ўртади. Ёнингга эса бора олмайман. Сенинг истагинг шуми?! Айбим нима? Ахир мен ҳам бошқа беморларинг каби оддий аёлман-ку! Алоҳида бир эътибор сўрамаганман-ку! Сенга бўлган меҳрим соф ва самимий. Фақат сени эмас. Сенга яқин бўлган барча инсонларни яхши кўраман. Бу меҳрим эва-

**«Дил изҳори»нгнизи
ўқигандик...**

зига ҳеч бир нарса сўрамайман...

...Бахт ҳақида ўйламас эдим. Тубсиз зулматда яшардим. Энди эса, қалбим меҳр-муҳаббатга тўла. Нурли ва эзгу орзулар билан яшайман. Зеро, муҳаббат энг пок, энг соф, беғараз туйғу... У фақат эзгуликка хизмат қилади. Ҳеч кимсага ундан озор етмайди.

"Муҳаббат - мумтоз туйғу ва буюк бахт. Бахт бу ҳақиқий муҳаббатдир!" (Турсун-но Содиқова "Оила ва жамият" 22-сон). Бу бахтимни бутун оламга кўз-кўз этишга тайёрман. Бироқ, бу мумкин эмас. Зеро муҳаббат — пинҳон туйғу. У юракнинг туб-тубида яшайди. Уни кўриб бўлмайди. Уни фақат ҳис этиш мумкин. У ўт-олов, уни тилга олиб ҳам бўлмайди. У фақат пок қалбдагина яшайди. Қалбни нурлантириб, беэзаб туради.

Менинг ёшимда бундай кўнгли кечинмалари ножоиздир, балки. Эҳтимол, ўзга аёл шундай деса, илк таъна тошини мен отсам керак. Аммо, не қилай-ки, иложиман. Ўзимга ўзим насиҳат қила олмайман. Ўз-ўзимга тош ота олмайман. Ўз қалбим ўзимга бўйсунмас, нима қилай? Саркаш қалбим ўз буйругимга бўйсунмаяпти-ку! На сен, на ҳамшираларинг, на бошқалар унга ҳукмини ўткази оларми?! Қалбимдаги бу туйғудан воз кечмайман. Шунда қалбимга нур қуйилади. Азоб ва ташвишлар ортага чекинади. Ҳаёт кўзимга жуда гўзал ва нурили бўлиб кўринади. Муҳаббат — бу гўзалликдир. "Гўзаллик эса дунёни кутқаради"...

Дарддан жуда кўрқардим. Зотан, заиф жисмим дард чигиринида минг бор янчилик, хилвираб, умид учкунлари ўчай-ўчай деб қолганди... Энди дард ва азоблардан асло кўрқмасам керак...

Шифокорим! Сен каби халоскорлар бор экан, биз беморлар ҳамиша шифо топиш умиди билан яшайверамиз. Хастанинг дуоси ижобат бўлади, дейдилар. Йиллар чеккан дарду азоблар ҳаққи, тангрим сени омон сақласин, дейман. Сен ўз касбинга муносиб, идрокли ва салоҳиятлсан. Сен ўз бурчингни виждонан, самимият билан адо этасан. Тан оламан, айб ўзимда, бироз эркалик қилибман. Сен эса фидоийлик қилдинг. Дард кийноғи-ю, иситма оташда тўлгонган бемор инжиқлигини чидам билан енга олдинг. Сен, Ибн Сино таърифлаган, шер юрак, лочин нигоҳ, кучли зеҳн, қудрат соҳибсан. Сенга ҳамиша суянчи мумкин. Сенга фақат ҳавас билан термулиш керак.

Соғинаман, кўргим келади. Жуда яқин яшайсан... Андишамни, гуғуримни, нимадир йўл бермайди. Менимча, сени аёл сифатида севамсам керак. Аёл киши бу йўлда ҳеч нарсадан тоймайди. Айрилиқ, ҳижрон азобига чидаш қийин, дейишадик-ку! Менинг кўнглим эса бундайин ситамлардан беҳабар.

Мен учун соғ-омонлигинг, бахтли ва шодон эканлигинг - энг буюк давлат. Зеро, бу дунёда борлигингни ўзи қатта бахт! Кумушнинг тақдирига ачинамиз. Эрта ҳазон бўлган умрига куйинамиз. Нега... ахир у бахтсизлигимди?

"Ҳеч нарсани ўйламанг, сиқилманг. Худо хоҳласа юз йил яшайсиз", - таскин беради шифокорлар. Юз йил? Нега керак? Оҳ! Кумуш ҳаётининг бир дақиқаси, биргина лаҳзаси учун бутун умримни беришга тайёрман-ку!

Бу истараси иссиқ нота-ниш аёл билан Тошкентдан Навойга қайтишда йўлда танишдик. Бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Ававал қаерлик эканлигимиз, ис-мимиз, касбимиз ва ниҳоят оиламиз ҳақида гаплашдик. Опа бирдан маънос тортиб қол-дилар. Кейин секин гап бош-ладилар.

- Эрим билан тенгдош ва ма-ҳалладош эдик. Мактабда бирга ўқидик. Мактабни тугатгач, у техникумда ўқиб қайтди. Мени уйдагилар ўқитишмади. Уни кутдим. Хуллас, севишиб турмуш курдик. Бирин-

дан олиб келамиз. Эрим кўпчилик қишлоқ эркак-лари сингари Ангренага ишга жўнади. Мен 5 бола билан уйда қолдим. Айрилиқ жуда ёмон эди. Илож қанча шароит шуни тақозо этарди. Ота-онам, акам, укаларим ёрдам бериб туриш-ди. Болаларнинг отаси олдини-

гина аёл чикди. Адашибмиз, чоғи, деб ўйладим. Кейин яна, йўғ-ей, балки бирга турадиган ҳамхонасининг хотинидир, деб ўйлаб, ўзимни таништирдим. Бирдан аёлнинг юзи ўзгарди ва орқасига қараб, болаларимнинг отасини чақирди. Оталарини кўрган ўғилларим чидаб туриша олмай, кучоқлаб олишди. Шун-

қиламиз. Ҳозир ҳам юк олиб кела-япман. Турмуши-миз бузилишига ўша вақтдаги ша-роит сабабчи бўлди. Ҳозир ўзи-мизни тиклаб олдик. Газ ҳам, сув ҳам бор. Лекин эрим йўқ. Беш болам билан ҳам мени хо-тинликка оладиганлар чикди.

Турмуш сабоқлари

да эди, - деб опа сумкага қўл суқди-лар-да, бир қалин муқовали китобча ичидан расм олиб узатдилар. - Гаштақда тушган-миз. Бу хўжайиним, бу мен. - Нима, сизлар қариндошми-сизлар? Бунча бир-бирингизга ўхшамасангиз? Эгизакларга ўхшайсизлар-а! - дедим. - Йўқ, қариндош эмасмиз. Икки уй оралмидаги қўшиллар эдик. Ҳамма бизни ака-сингил-га ўхшатарди, - дедилар кулиб. - Опажон, эрингиз шундай

УЙИНГИЗГА ҚАЙТИНГ!



га ҳар ҳафта ке-либ турдилар. Ҳар кел-ганда: "Болалар-ни соғи-наман. Уларсиз яшай олмайман. Сени кўзим қиймайди", - дердилар. Мен ҳам: "Бахтимизга омон бўлинг. Бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Хали ҳам-мамиз яна бирга бўла-миз", десам у киши: "Ўша кунлар тезроқ келсин-да", - дердилар. Болала-рига меҳрлари кучли эди. Болалар ҳам оталарини жуда яхши кўришарди. Хўжайиним икки ҳафтада бир, кейин уч-тўрт ҳафтада бир келадиган бўлди. Мен: "Йўл узок, қийнал-масинлар", деб гапирмасдим. У киши бир кунгина қолиб, эр-тасига яна Ангренага ишга ке-тардилар. Эрим келган кун уйда байрам бўлиб кетарди. Кейинчалик икки ойда бир келадиган бўлиб қолдилар. Қишлоққа гап оралаб қолди.

да ҳалиги аёл: "Нега мени ал-дадингиз? Хотинингиз, болала-рингиз бор экан-ку! Менга: "Хо-тинимни севайман, ота-онам-нинг кистови билан уйланган-ман. 10 йилдан бери бефарзан-дман, тирноққа зорман, икки қизингизни ўз фарзандимдай бошимда кўтариб яшайман", деган эдингиз-ку", - деди. Эрим ҳеч нима демай, ранглари оқариб, ерга қараб тураверди. Ушандаги аҳволимни ҳозир тасвирлаб бера олмайман. Кат-та ўғлим: "Онажон, юринг, бу ердан кетайлик", - деб қўлим-дан тортганини эслайман. Ка-раҳт бўлиб қолибман. Икки кич-кина оталарининг қўлларидан тортқилар: "Юринг, уйга кета-миз, дадажон!" - деб йиғлашар-ди. Хўжайиним бир оғиз сўз ҳам демай, жойидан ҳам жилмасди. Ниҳоят соат кеч 11 ларда ма-шинага ўтириб, уйга қайтдик. Акам аллақачон эримнинг уйлан-ганини эшитган, лекин менга айтилмай юрган экан. Бизнинг Ангрена бorganимиз бир зум-да қишлоққа овоза бўлди. Қўшни аёллар: "Агар эрингиз қайтиб келса, уйга киритасиз-ми?" - деб сўрашганда: "Йўқ, киритмайман!" - деб жавоб бе-рардим. Балки хатоим шунда-дир... Мен уни барибир уйга қайтади, деб кутдим. Ахир, бо-лалар у-чун жонини беришга ҳам тайёр ота эди-да. Ким билади, биронтаси: "Хотининг энди сени уйга қиймайди!" деб айт-ган бўлса, келмагандир? Лекин болалар билан у кишини ҳали-хали кутиб яшяпмиз.

Менга совчи қўйишди. Лекин мен унамадим. "Болалар-нинг отаси қайтиб, эшикдан кириб келса-чи, уятга қолмаймиз-ми?" - деб ўйладим. Аёл уятни ўйлаяпти. Эр эса беш нафар бо-ладан, вафодор аёл-дан юз ўгириб, икки қиз билан эридан ажралган корхона раҳбарининг синг-лисига уйланиб, тай-ёр уйли-жойли бўлиб олди. Кўмир-нинг, сувнинг гами-дан қутилди. Тайёр газ, иссиқ-совуқ сув бор. "Сени кўзим қиймайди. Болалар-сиз яшай олмайман. Қачон яна бирга бўламан?" Тезроқ уша кунлар кел-син", дегувчи эркак қийинчиликка дош бера олмай, оиласидан воз кечди. Беш бола билан уйда ишсиз ўтирган аёл-га осонмиди?! Ҳалиям ота-она-си, ака-укалари суяшди. Аёл ўзини тутиб ҳам олди. Ўз меҳ-нати билан газ, сувни ҳовлига тортиб олди. Қора кунлар орта-га қолди. Эркакнинг сири очилди. Беш болали бўла туриб, "бефар-зандман, тирноққа зорман, қиз-ларингни бошимга кўтараман", деб авраган эркакнинг сири очилди. "Нега алдадингиз", - де-ган саволга эса ер чизиб қолди. Энди у аёл унинг гапларига ишо-нармиди? Юзига солмайди-ми? Мутаҳҳам бўлиб яшайверади? Лекин эркак қайтмади... - Тўхтаб туринг, расмимиз ёним-



кетин фарзандлар туғилди. 5 болали бўлдик. Турмушимиз ширин эди. Биз бир-биримиз-ни сўзсиз, кўз қарашларимиз-дан тушунар эдик. Қўни-қўшиллар ё қўйингки, бизни таниганлар бизга ҳавас қили-шар эди. Синфдошлар билан тоққа чиққаннимизда болаларнинг отаси мени тоғдан паствага қўлларидан олиб тушган эди. Ҳамма қийқириб, қарсақ чалиб юборишган эди. Хаттоки янги келин-куёвларга бизни наму-на қилиб кўрсатишар эди. Кол-хоз тугатилгач, эрим ишсиз қолди. Бир-икки ой уйда ўтир-ди. Бор-будимизни еб бўлдик. Қиш яқинлашиб бораётганди. Газ йўқ. Кўмир, ўтин олишга пул керак эди. Сувни ҳам узок-

Эрим ўша ерда уйланиб, қолиб кетганмиш. Мен бу гапларга сира ишонмадим. Сабаби ора-миздан қил ҳам ўтмаган эди. Орадан икки ой ҳам ўтди. У киши келмагач, хавотир ола бошладим. Болаларни-ку, қўяверинг, "касал-пасал бўлиб қолмадилармикан", дебман-да. Ушанда қил эди. Қор уриб ёғаётганди. Акамни кўярда-га қиймай Ангренага олиб боришга кўндирдим. Акам "Запарожец" машинасида беш болам билан мени олиб, йўлга тушди. Ниҳо-ят суриштириб-суриштириб у киши яшайдиган квартирани топиб бордик. Икки қизим, акам билан машинада қолишди. Бит-та катта, иккита кичкина ўғлим билан керакли эшикни тоғлим тақиллатдик. Эшик очилиб, ёш-

аёлни ташлаб кетганла-рига пушаймондилар... Кўрасиз, бир кун албатта ке-ладилар. - Айтганингиз келсин, илойим. Биз анчагина турли мавзулар-да суҳбатлашдик. Опанинг гап-си, ака-укалари ориятли аёл экан-лиги кўриниб турарди. Ниҳоят у киши менга манзилларини бериб, "Оқтош"да тушиб қол-дилар. Мен эса уйга толдим. Шундай аёлдан воз кечган эр-какка айтар сўзим бор: "Қий-инчиликлар орқада қолди. Хо-тинингиз, ўғил-қизларингиз сизни кутиб яшашмоқда. Ор-тага қайтинг. Ўрнингизни бего-на эркакка бўшатиб берманг. Ўрнингиз ўзингизга буюрсин..."

аёлни ташлаб кетганла-рига пушаймондилар... Кўрасиз, бир кун албатта ке-ладилар. - Айтганингиз келсин, илойим. Биз анчагина турли мавзулар-да суҳбатлашдик. Опанинг гап-си, ака-укалари ориятли аёл экан-лиги кўриниб турарди. Ниҳоят у киши менга манзилларини бериб, "Оқтош"да тушиб қол-дилар. Мен эса уйга толдим. Шундай аёлдан воз кечган эр-какка айтар сўзим бор: "Қий-инчиликлар орқада қолди. Хо-тинингиз, ўғил-қизларингиз сизни кутиб яшашмоқда. Ор-тага қайтинг. Ўрнингизни бего-на эркакка бўшатиб берманг. Ўрнингиз ўзингизга буюрсин..."

Замира БОЗОРОВА, Навой вилояти, Навбахор тумани.

(Боши 12-бетда)

Биламан, сенга қийин, чунки касбинг гоят нозик, жуда машаққатли... Қанча-дан-қанча оғир дамларга дуч келасан. Ахир, қанчадан-қанча қил устидаги жон-лар сенинг чекинганда... Айтишга осон. Куну тун ором билмай, қанча меҳнат ва машаққат тортишинг, ёлғиз Оллоҳга аён... Ана шу уйқусиз тулларинг, чек-сиз меҳр-эҳтироминг ҳаққи, мен сенга ҳамиша таъзим қиламан. Дилимни бир гумон ўртайдим. Гўё сенинг назарингда мен бир енгилтак аёлдек... Ўша бир банд шеър сабаб...

Шифокорим! Сенинг беозор шаф-қатингдан умидворман. Беғубор қал-бинг қаршида тиз чўкиб ўтинаман, ил-тижо қиламан. Мени кечиришингни, мени тушушинггни истайман. Мен сабаб, дилинга зарра гувор кўниши-ни, мавҳум уйга боришингни ҳеч иста-майман. Бу ерда гап фақат мен ҳақимда эмас. Бу ерда буюк хилқат - аёл, она шаъни турибди. Ахир мен ҳам аёлман, онаман, менда ҳам гурур бор. Инсоний гурур, аёллик шаъни, ор-номуси ҳамма нарсадан устун-ку, ахир.

Аёл, она - поклик тимсоли-фаршта-га қиёс қилинади. Унга - бизга ҳамма, ҳамиша ва ҳар ерда эҳтиром кўзи би-

ТАБИБИМ, ТУШУНГИ ДАРДИМНИ...

лан қарашларини истайман. Қалбимда-ги туйғу-оддий меҳр. Инсоннинг инсон-га бўлган чинакам инсоний меҳри, оқибатидир, эҳтимол. Токи инсонда юрак бор экан, кимнидир севиб, соғиниб, тал-пиниб яшайди. Бусиз ҳаёт йўқ. Аёл си-фатида бахтсиздирман, бахтсиз. Оилавий бахт, бекалик бахтидан бенасибман. Бироқ, она сифатида бахтиёрман. ...Йиллар ўтади. Пайт келиб, шифохо-нада сен янглиг яна бир ёш шифокор пайдо бўлади. У менинг ўғлим бўлса, ажаб эмас. Вужудда сеникидек шижоат барқ урсин, кўзлариди эса менинг меҳ-рим яшасин. Ушанда армонларни ортага ташлаб, фаҳр, ифтихор ҳисси-ю, оналик бахтидан қалбим титраб, шифокор ўғлим-ни бағримга босаман ва энг бахтли аёл бўламан. Яна бир ниятим бор. Дарди би-

сёр, меҳр-муруватга зор, ишқ тахтига талабгор, бир дардли дил ҳақида гўзал қисса яратсам дейман. Унинг биринчи ўқувчилари "Оила ва жамият"нинг мух-лислари бўлсин. Нури орузларга ишо-ни яшайман ва баттар сенинг сўзларин-гни тақрорлайман: "Ҳаммаси яхши бўла-ди". Яшириб не қилдим. Қалбимнинг энг нозик қатида биргина истак бор. Бир бора, атиги бир бора унинг бағрига бош қўйсам, холос. Аслида бундай бўлмай-ди ҳам. Зотан, ўша он унинг бағрида жон берсам керак... Ҳофиз қуйламоқда:

Келар дунё, кетар дунё, нечун сендан кечолмайман, Уммон олдидаман, эй-воҳ, қониб, яйраб ичолмайман. Тушунмайман, сира тушунолмайман. Баъзилар ўзи-ку ҳаёт уммонидан бах-

ра ололмайди, нега ўзгаларнинг яй-раб баҳра олишига йўл қўймайди? Ахир, умр ўткмичи, инсондан дунёда фақат меҳр-оқибат қолади-ку. Шу ўтар дунёда севиб, севилиб, бир-бир-имизни асраб, авайлаб, ардоқлаб яшасак. Шунда ҳаёт янада гўзал бўларди. Мен ҳаёт уммонидан бебаҳраман, ташнаман. Ҳаёт саҳнасининг четида-ги бир мухлис, шайдоман. Инсонлар-нинг ундан шодланиб, яйраб баҳра олишини кўриб қувонаман. Ҳавас ва яна ҳавас билан боқавераман, тер-мулаверамаман... Агар, бу айб саналса, гуноҳимни ювиш учун қон ва жондан кечишга тайёрман.

СЕНДАН МИННАТДОР, БЕБОРИНГ... Соҳибига жўнатилмаган бу мак-тубни энг яқин сирдошим "Оила ва жамият"га юбораяпман. Сизга суянаман, сиздан ҳеч бир дар-димни яширмайман, азиз юрт-дошларим. Қалбимдаги энг азиз ҳисларимни, энг соф туйғуларим-ни сизга ишондим. Балки, менинг бу дил розим мухлислар қалбиди фикр уйғотар. Фикрларингизни эшитишга муштоқман, азизлар.

ДАРАДИМГА ДАВО ТОПАДИМ

ДАРАДИМГА ДАВО ТОПАДИМ

ДАРАДИМГА ДАВО ТОПАДИМ

КУНГАБОҚАР-БУЎРАККА ЁҚАР

Буйрагим оғриб, шифокорга борганимда улар менга буйрагимда 4 та тош борлигини айтишди. Қаттиқ оғриқдан қийналиб операцияга ҳам рози бўлдим. Аммо, бувим мени уйига олиб кетиб, даволади. Уч ҳафтадан кейин рентгенга тушганимда эса ундаги тошлар йўқлигини айтишди. Бувим мени мана бу усулда даволаганди:

Кунгабоқарнинг 200 грамм майдаланган илдизини сирланган кастрюлкага солиб устига 1 литр сув қуйиб, 2-3 минут қайнатинг. Сувини ҳар куни овқатдан 20 минут олдин, бўлиб-бўлиб ичинг. Даволашни пайтида шўр ва аччиқ нарсалар ейиш, ичиш мумкин эмас. Тошлар нураётган пайтида сийдик қизғиш тусга кириши мумкин. Шу вақтда кўпроқ олма, шивит, пиёз, тарвуз истеъмол қилиш лозим.



Р.УМАРОВА,
Жиззах вилояти,
Зомин тумани

ОШҚОЗОН ОҒРИГИДА...

Йиллар давомида ошқозонимдаги оғриқ безовта қиларди. Ҳамкасбларимдан бири менга мана бу усулдан фойдаланиб кўришни таклиф этди:

Бир ош қошиқдан мойчечак(ромашка), валериана ўти, шивит(укроп)нинг устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, ярим соат тиндириб қўйилади. Ушбу дамламани қайноқ ҳолда кун бўйи оз-оздан ичилади. Чиндан ҳам шу дамламадан ича бошлаганимдан кейин ошқозон оғриғидан фориғ бўлдим.

О.ДАВЛАТОВА,
Тошкент вилояти.

ҚўЛЛАРИНИГ ИЗ МАЙНИ БЎЛСИН!

Қўл ва оёқ қафтларим дағаллашиб ёрилиб, ишлашимга ҳалал бера бошлагач, турли муолажалар қилиб кўрдим. Аммо, фойдаси бўлмади.

Байрам кунларининг бирида жуда кўп дирилдоқ (холодец) пиширдим. Уни музлатгичга қўйиб, бир ҳафта истеъмол қилдим. Буни қарангки, шу вақт ичида қафтларим сезиларли даражада юмшаб мулойим бўла бошлади. Шу-шу тез-тез холодец истеъмол қиладиган бўлдим.

С.ГУЛОМОВА
Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳри.

ГРЕЧИХАНИНГ КАРОМАТИ

Камқонлик касалига учраганимда гречиха бўтқасини еб даволадим. Бунинг учун бир стакан гречиха ёрмаси, икки дона сабзи, бир дона пиёз, бир стакан майдаланган отқулоқ ёки қичитки ўти(крапива), уч ош қошиқ бирор ўсимлик ёғи керак бўлади.



Гречихани ювасиз-да, сабзи, пиёз ва отқулоқни майдалаб тўғрайсиз. Қозонга аввал мой қуюсиз, сўнгра сабзавотларни жойлаб, устига гречихани ёйиб соласиз. Тузли сув қуюсиз-да, 7-8 минут қайнатасиз. Сўнг ярим соат димлайсиз.

Тайёр бўлгач қаймоқ ёки сариеғ аралаштириб тановул қиласиз. Унинг кароматини бир ҳафтадан сўнг сезасиз.

Г.МИРЗАКУЛОВА,
Наманган вилояти, Поп тумани.

ОДДИЙ УСУЛ БИЛАН

Қизимнинг ўпкаси шамоллаб, йўтали ҳадеганда ўтиб кетавермади. Шифокорлар айтган ҳамма дори-дармонларни қўлласакда, бўлмади. Онам айтган оддий усул эса катта ёрдам берди.

Новшадил спиртини бирор ўсимлик мойи билан аралаштириб, кечкурун юмшоқ латтага ботириб олиб кўкракка қўйилади, устидан жун рўмол билан яхшилаб ўралади.

Ҳар куни ётишдан олдин қилинган бу муолажадан сўнг қизим йўталдан қутулди.

Б.ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Китоб тумани.

МУШУК БОҚИНГ

Агар ўпкангизда касаллик бўлса, албатта мушук боқинг. Ушбу мулойим жонивор билан қуйидаги муолажаларни бажаринг. Мушукни ёки мушук болани кўкрагингиз устига қўйган ҳолда 8 дақиқа ётинг. Сўнг ўгирилганда, курагингиз орасига мушукни қўйиб (оила аъзоларингиздан кимдир мушукни қўйиб қўйиши керак яна 8 дақиқа ётинг. Бу муолажани ҳар куни бажарсангиз, ўзингизни яхши ҳис эта бошлаганингизни сезасиз.

В.РИХСИХЎЖАЕВА,
Оҳангарон шаҳри.

БАРМОҚНИ АСРАНГ!

Кўпинча бирор юмуш қилаётиб бармоқларимизни жароҳатлаб оламиз ёки тирноғимиз ости йиринглаб кетишидан қийналиб юрамиз. Мен эса бармоғим жароҳатланса ёки тирноқларимнинг ости йиринглаб бошласа бинт билан яхшилаб боғлаб, кир ювиш кукунини солинган қайноқ сувга бир-икки марта ботириб оламан-да, яна боғлаб қўяман.

Қувватсизликда эса мана бу усулдан фойдаланаман. 100 грамм ёнғоқни талқон қилиб қовуриб, устига қайноқ сут қуяман-да, 2 ош қошиқ асал аралаштираман. Уни 3-4 ҳафта давомида тунда еб юрилса олам гулистон.

Г.МАЪДИЕВА, Тошкент тумани.

ХАНТАЛЛИ ВАННА БИЛАН

Ушбу хантал (горчичний порошок) қўшиб тайёрланган ванна нафас олиш аъзолари (бронхит, воспалениа легких) хасталанган кишилар учун жуда фойдали. Бундай шифобахш ваннани тайёрлаш учун 100-200 грамм хантал кукунини илиқ сувга қўшиб суюқ қаймоқ ҳолига келгунча аралаштирилади. Сўнг ваннадаги сувга қўшилади. Сувнинг ҳарорати 36-68 даража атрофида бўлиши керак. Муолажани 5 дақиқадан 10 дақиқача давом эттириш мумкин.

Х.АЗАМАТОВА,
Бўстонлик тумани,
Боло-дала қишлоғи.

ШИФОБАХШ КАСТОР ЁҒИ

Кастор мойининг ўзига хос шифобахш хусусиятлари борлигини биласизми? Маълум бўлишича, у кўпгина касалликларни даволашга катта ёрдам берар экан. Сизларга ўзим фойдаланадиган усулларни ёзиб юбораяпман.

■ Кўзнинг шиллиқ қавати яллиғланганда ётишдан олдин 1 томчидан кастор ёғидан томзиб қўйинг.

■ Сўгални кетказиш учун эса эрталаб ва кечкурун 12 минут давомида ёғ билан артинг. Буни 5 кун такрорлайсиз.

■ Яраларга бир кунда 5-7 марта сурсангиз, тезда битказади.

■ Шамоллашда уч ош қошиқ мойни бир ош қошиқ скипидар билан аралаштириб, кўкракка сурилади ва яхшилаб ўралиб ётилади.

■ Чақалоқларнинг киндигига кунига 5-7 марта сурилса тез тузатади.

■ Терига доғ ва беўхшов холларни йўқотиш учун бир ой давомида шу майдан сурилса йўқотади.

■ Бавосил(геморрой)да орқа тараф тез-тез оддий кир совуни билан совуқ сувда яхшилаб ювилиб артилгач, касторка мойи суриб қўйилади.

Мастура ҒОЗИЕВА,
Тошкент шаҳри

МАВРАК ГИЁҲИ ДАВОЛАЙДИ...

Жинсий аъзоларида сурункали касаллик бор аёлларга маврак (шалфей) қўшилган сув билан ванна қабул қилиш тавсия этилади. Бунинг учун 35-37 даража ҳароратли 1 литр сувга 100 грамм майдаланган маврак гиёҳи қўшилади. 60-80 дақиқа қайнатилгач бир кеча тиндириб қўйилади. Сўнг сузиб олиб ишлатилади. Бу дамламани музлаткича сақлаш мумкин эмас.

Л.ТОЖИБОЕВА,
Бухоро вилояти,
Қорақўл тумани.

СОВУҚ БОҒЛАМА

Совуқ боғлама тананинг бирор аъзоси лат еганда, жароҳатлар, мигрень ва қон кетганда фойдаланилади. Уни қуйидагича тайёрлаб ишлатилади.

Бир неча қават қилиб буқланган матони ичида муз бўлақлари сузиб юрган совуқ сувга ботирилади. Бу боғламани ҳар 2-4 дақиқача алмаштирилади.

А.ИРИСМЕТОВА,
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.

ИССИҚ СУВ ҲАМ ШИФОДИР

Биз қишлоқда яшаймиз. Касал бўлиб қолсак ҳам дори-дармон учун шаҳарга бориш жуда узоклик қилади. Бир куни жуда қаттиқ шамоллаб қолдим. Бошқа иложим қолмагани учун, тоғлиқлар қўллаган мана бу усулдан фойдаландим ва тезда соғайиб кетдим. Бу муолажа жуда жўн. Умуман ҳеч нарса истеъмол қилмасдан, қайноқ сув ичилади, холос. Мен ҳам термосга қайноқ сув қуйиб, ҳар ярим соатда ичиб турдим. Икки кун ўтмай тезда шамоллашим ўтиб кетди. Шундан буён шамолласам қайноқ сув ичаман ва дардимдан фориғ бўлам.

Х.АЗАМАТОВА,
Бўстонлик тумани, Боло-дала қишлоғи.

САИДА ва БАСИРА тайёрлашди.

ХУШРУЙЛИК СОРЛАРИ



Баъзи аёллар йиллар ўтган сайин, бўйни ёпиқ кийимлар кийишга ҳаракат қилишади. Чунки бўйин—ҳар бир аёлнинг ёши анча ўтганлигини билдириб қўяди. Бўйин ҳам юз каби ҳамиша таранг ва кўркам кўриниши учун ҳафтасига 1-2 марта куйидагича ниқоб қилсангиз таранглаштирилади.

✓ 2 дона қайноқ картошкани эзиб, унга 1 чой қошиқдан асал, глицерин, ўсимлик ёғи ва ли-

мон шарбатидан кўшинг. Ҳосил бўлган аралашмани букланган докага ёйиб суриг—да, бўйингизга боғлаб қўйинг. Устидан юмшоқ қоғоз қўйиб, сочик билан ўраб, 20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташлаб, юмшоқ қоғоз билан артасиз. Албатта, ажин тушишининг олдини олиш ва бўйиндаги бурмаларни йўқотиш учун машқлар қилиш ва юришингизни кузатишингиз керак бўлади.

КАРТОШКАМИ КОСМЕТИКА

Картошканинг ажойиб косметик восита эканлигини кўп аёлларимиз билишмаса керак. Чиндан ҳам картошканинг ёшартирадиган ва даволайдиган ажойиб хусусияти бор.

ЮЗНИ ЧИРОЙЛИ ҚИЛАДИ

✓ **Толиққан юз териси учун:** Пиширилган картошкани яхшилаб эзиб, 1 стакани устига 1 дона лимон шарбатини сиқиб, аралаштирилади. Бу аралашмани юзга сургач, 10-15 дақиқадан сўнг юмшоқ қоғоз билан артиб ташлаб, совуқ сув билан ювилади.

Пўсти билан пиширилган картошкани тозалаб, эзилади—да, 1 ош қошиқ қаймоқ билан аралаштирилади. Юзга сургач 15 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланг.

Терингиз ёғлиқ бўлса қаймоқ ўрнига 2-3 қошиқ зигир қўшиб туйилади—да, 20 дақиқадан кейин илиқ сув билан ювиб ташланади.

ҚҮЛ ВА ОЁҚЛАР УЧУН...

✓ Бармоқларингизни картошка қайнатиб пиширилган сувга 15-20 дақиқа тиқиб ўтирсангиз, териси юмшаб, илақдек мулоим бўлиб қолади. Агар қўлларингиз кизарган ва қуруқшаган бўлса, пиширилган картошкани яхшилаб эзиб, бўтқасига қўлларингизни тиқиб со-

вугунча тутиб турсангиз. ✓ Товондаги ёриқларни эса қирғичдан чиқарилган хом картошка билан йўқотишингиз мумкин. Хом картошка бўтқасини товонга қўйгач, устидан сувқоғоз билан ўралади. Ярим соатдан сўнг товон қуруқ латта билан артилиб, бирорта ўсимлик ёғидан суриб қўйилади.

БҮЙИН УЧУН

ЮЗИНГИЗ КЎРКАМ БЎЛСИН!

Қадимги, ҳали косметика воситалари йўқ пайтларда барча аёллар картошка бўтқасига озроқ сут қўшиб, ҳосил бўлган бўтқани юзларига суришган. Агар юз қуруқ бўлса иссиқ сут билан, ёғлиқ бўлса совуқ сув билан бўтқани ювиб ташлашган.

Голливуднинг машҳур ва гўзал киноактрисалари қандай косметикадан фойдаланишларини биласизми? Улар қирғичдан чиқарилган хом картошкага тенг миқдорда ун ва сут қўшиб юзларига суришади. Бундай ниқоб кундузги чарчоқ акс этган ва уйқусизликдан осилиб қолган юз терисини бирпасда тетиклаштириб, таранг қилади.

Шунингдек, картошка юзни даволайди ҳам. Унинг таркибидаги А, С ва Р дармондорилари, соланин, крахмал ва бошқа моддалар шамоллашнинг олдини олиб, яраларни битиришга ҳам ёрдам беради. Алкогоид ва крахмал юз терисидеги барча кўнгилсизликларни даволаб, аллергия тошмаларни кетказди. Таркибидаги фитонцидлар эса микробларга қиргин келтириб, турли йирингли хусубузарлардан фориг қилади. Бу картошкали косметикадан ҳар бир аёл фойдаланиши ва унинг фойдасини ўзи синаб кўриши мумкин.

Куз фасли—айни шифобахш барглardan қишда чой дамлаб ичиш учун дамлаб қўйиладиган пайтдир. Айниқса, смородина, малина, маймунжон, наъматак ва дўлана баргларидан тайёрланган чой жуда хушбўй ва шифобахшдир.

ХУШБҮЙ БАРГЛАРАН ЧОЙ ИЧИНГ!

КОРА СМОРОДИНА

Қора смородинанинг барглари таркибида жуда кучли биологик фаол моддалар бор. Смородина барглари билан ҳатто цинга касаллигини ҳам даволаганлар. Бу барглarda айниқса аскорбин кислотаси кўп бўлиб, эфир ёғи ва дубил моддалар ҳам мавжуддир. Бундан ташқари ушбу чой ичакларни дезинфекциялайди, шунингдек дизентерияни ҳам даволайди.

Танадан сийдик ва шовул кислотасини кўп чиқарадиган хусусияти бўлгани учун подаграни даволашда ҳам фойдаланилади.

Смородина баргларидан тайёрланган чой танани терлатади, йўталда балғам қўчиради. Буйрак ва сийдик пуфаги (цистит ва пиелонефрит) ҳасталигини даволашда ушбу шифобахш чойдан ичиш тавсия этилади.

МАЙМУНЖОНЛИ...

Маймунжон баргларида ноёб органик кислоталар, дубил моддалар, дармондорилар мавжуд бўлгани учун халқ таъбаотида қадимдан фойдаланиб келинган. Бу баргларнинг битирувчи, қон тўхтадиган, ҳароратни туширадиган, шамоллашга қарши, тинчлантирувчи, ярани тузатувчи, сийдик ҳайдайдиган ва қонни тозалайдиган хусусиятлари бор.

✓ 1 ош қошиқдан смородина

МАЛИНАЛИ...

Малинанинг барглари таркибидаги махсус ферментлар тананинг ҳимоя кучини кўпайтиради. Унинг баргларидан вақти-вақти билан чой ичиб туриш, юқумли касалликлар мавсумида танага касаллик юқишидан сақлайди.

Малина баргларидан дамлаб ичилган чой буйракни даволаб, танадаги ишқор кислотасини меъёрлаштириб туради. Бундан ташқари бачадон ва тос мушакларини мукстаҳкамлаб, шамоллашдан ҳимоя қилади.



✓ 5 ош қошиқ смородина барглари устига 1 литр қайноқ сув қўйилиб, 1 соат дамлаб қўйилади. Тана шишганда, шамоллаганда, буйрак ва сийдик пуфагида тош бўлса, подагра ва бодни тузатишда кунига 4-5 маҳал, 1 стакандан ичилса шифо бўлади. Юқумли касалликларни даволашда смородина баргли чойи антибиотик дорилар фаоллигини янада кучайтиради.

ва малина барглари аралаштирилиб дамланган чой климакс даврини бошдан кечираётган аёллар учун жуда фойдали ҳисобланади.

Бу яшил барглardan чой дамлаш учун барглар узилгач, қайноқ сув билан ювилиб, устига оқ мато ёпиб бир неча кун сўлитувчи қўйилади. Шундай қуритилса у янада хушбўй бўлади. Қуритилган барглари усти ёпиқ идишда сақлаш лозим.

Тухумдонлар фаолияти бузилиб, ҳасталанганда 1

ош қошиқдан малина ва қора смородина баргларидан аралаштириб чой дамланади. Кунига 2 маҳал, 0,5 стакандан бир ойгача ичиб, 2 hafta танаффус қилинади. Муолажа мuddати 3 ой.

Конъюктивитни даволашда ҳам фойдаланилади. Малина баргларидан чой дамлаб, (1 стакан қайноқ сувга 1 ош қошиқ барг солинади) 30 дақиқа тургач кўзга компресс қилинади.

Дейлик, нимадандир кайфиятингиз бузилди ва ўзингизни қўйишга жой тополмаясиз. Қандай бўлмасин ана шу ёмон кайфиятдан чиққаша ҳаракат қиласиз. Лекин буниг уддасидан чиққининг ўзи бўлмайди. Мунажжмлар фикрига кўра, ҳар бир инсон ўз буржидан келиб чиққан ҳолда, кайфиятини яхшилаши мумкин.

Кўй буржидагилар аслида узоқ вақт хафа бўлиб юришга мойил эмаслар. Мабодо кайфиятлари бузилса, жисмоний меҳнат билан шуғулланганлари маъқул. Шунда хафагарчиликлари унут бўлади.

Сигир буржидагилар қаттиқ хафагарчиликдан қутулиш учун мириқиб ухлаб, кейин сеvimли оvқатдан тановуvл қилсалар олам гулистон.

Эгизаклар буржидагилар изтиробли ҳолатга дуч келсалар тезда бирор-бир фойдали иш билан шуғулланишлари ёки хафагарчиликни унутиб, бошқа нарсалар ҳақида ўйлаганлари маъқул.

Қисқичбақа буржидагилар кайфиятлари ёмонлашса тансиқ таом пиширсалар ёки оилавий альбомларни томоша қилиб, яхши кунларини эсласалар, хафагарчиликдан тезда фориг бўладилар.

Арслон буржидагилар қаттиқ хафа бўлиб қолганларида, эзилиб ўтирмай чиройли кийиниб кино, театр ёки яқин дўстлариникига борганлари маъқул. Дўстлар ҳамдардлиги уларга қувват бағишлайди.

Бошоқ буржидагилар кайфиятлари ёмон бўлганда дам олсалар, бошқотирма ечсалар ёки уйни тозалаш билан шуғул-

лансалар, тезда хафагарчиликлари ўтиб кетади.

Тарозу буржидагилар учун хафагарчилик жуда оғир кечади. Ёмон кайфиятдан қутулиш учун сартарошхонага борсалар ёки кўринишларида ўзгариш яасалар тезда кайфиятлари яхшиланади.

Чаён буржидагилар қаттиқ хафа бўлиб қолганда ҳаммомга ёки бассейнга чўмилишга борсалар айна мuddао.

Ўқотар буржидагилар кайфиятлари ёмон бўлганда, табиат қўйнида дам олсалар, балиқ овига борсалар изтиробдан қутуладилар.



Тoғ эчкиси буржидагилар кайфиятлари ёмон бўлганда дўстлари билан учрашиб сўхбатлашсалар ёки ёрдамга муҳтож яқинлари кўнглини кўтариб, оғирини енгил қилсалар тезда уларини кучли сезиб, ташвишлари унут бўлади.

дастурхон қилгандан кўра, яхшиси уйда ёлғиз қолиб, телевизорда бирор бир қизиқарли фильм кўрганлари маъқул.

Балиқ буржидагилар кайфиятлари ёмон бўлганда ҳеч қимни кўргилари келмайди. Ёлғизликда ажойиб мусиқани эшитиб ўтирсалар, ёки ванна қабул қилсалар хафагарчиликни тез унутадилар.

ДИЛБАР ва **ҲАМИДА** тайёрлашди.



431 Ёшим 26 да. Ажрашганман. Ўқимишли, келишган ва замонавий аёлман. Орасталик ва шинамлики ёқтираман. Ишлайман. 30-35 ёшгача бўлган, (қаердан бўлса ҳам), ишлайдиган, уй-жойли, жиддий, мард, тагли-тахтли оиладан бўлган, диёнатли йигит бўлса турмуш курган бўлардим.
Манзилим тахририятда.
Дилдора

432 Ёшим 37 да. Ажрашганман. Тошкентликман. Қадди-бастим келишган, хушрўй аёлман. 16 ёшли ақлли, меҳрибон ўғлим бор. Чеварлик қиламан. 40 ёшгача бўлган, уй-жойли, ажрашган, тошкентлик, оилани моддий томондан таъминлай оладиган, зарарли одатлардан холи, кўркам эркак бўлса оила куриш ниятида эдим.
Манзилим тахририятда.
Феруза

433 Ёшим 68 да. Асли тошкентлик, зиёлиман. Аёлим қазо қилган. Нафақахўрман. Набирамникида яшайман. Узининг ховли-жойи бўлган, ёлғиз ёки 1-2 фарзандли, 45-55 ёшлардаги Тошкент ёки Тошкентга яқин вилоятда яшовчи аёл билан турмуш қуриб, ичкүёв бўлиб яшамокчиман. Унинг болаларига оталик меҳрини бера оламан.
Манзилим тахририятда.
Тўлқин ака

434 Ёшим 40 да. Ажрашганман. Асли тошкентликман. Нуфузли жойда ишлайман. Уй-жойим бор. Моддий томондан таъминланганман. 35 ёшгача бўлган, тошкентлик, саранжом-саришта, (бир кизчаси бўлган), ибоби бир аёлга уйланиб бахтли оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Рашид

435 Ёшим 32 да. Асли Тошкент вилоятиданман. Ҳали турмушга чиқмаганман. Уй-жойим бор. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. 35-40 ёшлардаги, ажрашган, Тошкентда яшайдиган, ишлайдиган, жиддий эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Сарвиноз

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва кувёлларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

436 Ёшим 34 да. Қашқадарёликман. Касбим шифокор. Ажрашган, лекин фарзанди йўқ, ишлайдиган, Тошкентда яшайдиган, иймон-эътиқодли, уй-жойли, жиддий эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Гулнора

437 Ёшим 46 да. Ажрашганман. Бекободда ховли-жойим бор. Моддий томондан таъминланган, тижоратчи, келишган, ўқимишли, мард эркакман. Уч ўғлимнинг ҳаммасига уй қуриб берганман. 35 ёшгача бўлган, оқила, саришта, меҳрибон, хушрўй бир аёлга уйланоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Али

438 Ёшим 63 да. Аёлим қазо қилган. Зангиотада яшайман. Фарзандларим уй-жойли. Иймон-эътиқодлиман. 60 ёшгача бўлган, ўз уйи бор, мўмина аёл бўлса уйланоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Раҳмон ота

439 Ёшим 51 да. Тошкентликман. Ишлайман. Зиёли эркакман. 35-45 ёшгача бўлган, ўқимишли, ораста, (иложи бўлса турмушга чиқмаган) қизга уйланиб оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Асқар

440 Ёшим 51 да. Аёлим вафот этган. Фарзандларим билан яшайман. Уй-жойим бор. 45 ёшгача бўлган, турмушга чиқмаган қиз ёки бефарзанд аёлга уйланоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Анвар ака

441 Ёшим 29 да. Ҳозирча ишламайман. Турмушга чиқмаганман. Уй-рўзғор ишларини ўрнига қўя оламан. 35 ёшгача бўлган эркак бўлса турмушга чиқмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Лайло

442 Ёшим 32 да. Олий маълумотлиман. Турмушга чиқмаганман. 37 ёшгача бўлган, тошкентлик, ўқимишли, меҳрибон эркакнинг садоқатли ёри бўлиш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Азиза

443 Ёшим 30 да. Асли тошкентликман. Турмушга чиқмаганман. Вақтинча ишламайман. Ота-онам билан яшайман. 35 ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойи бўлган эркак бўлса турмушга чиқмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Муниса

444 Тошкентликман. Ёшим 33 да. Баланд бўйли, чиройли аёлман. Нуфузли ташкилотда ишлайман. 9 ёшли бир қизчам бор. 40 ёшгача бўлган уйли-жойли, иш жойи тайин эркакка турмушга чиқмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Гўзалхон

445 Ёшим 38 да. Навоий вилоятиданман. Ажрашганман. Яхши жойда ишлайман. Уй-жойим, машинам бор. Ҳаёли-ибоби бир аёл бўлса оила қуриб, бахтли қилардим.
Манзилим тахририятда.
Улуғбек

Газетанинг навбатдаги сони 27-сентябрда чиқади.


446 Хонамга ийманибгина бир эркак кириб келди. Озодагина кийиниб олган бу киши ўтириб дуо қилгач, мақсадга ўтди.
- Исми Исмоил, ёшим 60 да. Бир иш билан келгандим, сиз билан гаплашсам дегандим, - деди дўпписини қўлига олиб.
- Келган экансиз, албатта гаплашамиз!
- Аёлим қазо қилганига анча бўлди. Болаларимиз вояга етиб, энди ўзлари-

беришган. Келинларим барака топишсин, кунига уч-тўрт маҳал ошми, мантими қилиб беришади. Лекин...

- Орадан гап ўтдимми?..

- Йўқ, аммо, кечалари ёлғизлик адоий тамом қилади-да. Айниқса, кунлар қисқа пайтларда ёлғизлик жонимдан ўтиб кетади хўрлигим келади. Маҳалладаги бир -иккита оғайниларимнинг менга ҳаваси ҳам келади. "Сенга

ЭРКАК ЁЛҒИЗ ҚОЛМАСИН...



маза-да, Исмоил, еганинг олдинда, емаганинг орақанда. Болаларинг истаган нарсангни муҳайё қилишади. Қани энди сенинг давлатинг бизда ҳам бўлса...", - дейишади. Аммо билишмайдикки, улар энг бахтли одамлар. Чунки уларнинг аёллари ҳаёт. Бошларига ёлғизлик тушмаган. Уларга қараб: "Оҳ, биродалар-а, мен сизларга ҳавас қиламан. Барча нарсанг бўлса-ю, дардкашинг, гамгузоринг бўлмаса татимас экан." - дегим келади.

- Шу пайтгача уйланиш ҳақида уйламаганимдигиз?

- Андиша кучлилиқ қилди. Лекин кейинчалик отамнинг гапини бот-бот эслайдиган бўлдим. Бошингдан ўтмагунча билинмас экан.

- Отангиз нима деганди?

- Отам 47 ёшга тўлганларида акам оламдан ўтиб қолди. Бу отамга қаттиқ таъсир қилиб, умуман овқат емай қўйди. У нукул: "Олтмишдан ошганимда аёлинг ўлмасин!" - дея кўп қайтарардилар. Ёшим олтмишдан ошиб аёلسиз қолганимда эса бу гапнинг маъносига етгандекман...

Исмоил ака шундай деб хайрлашди.

Чиндан ҳам олтмиш ёшдан ўтганда ёлғиз қолиб, ўзига жуфт излаб келадиган эркаклар молу дунёдан ҳам кўра дардкаш инсонни маъқул кўришади. Ёлғизлик инсонни барвақт кексайтириб қўйиши рост. Биз Исмоил ака билан танишиб, бирга умргузаронлик қилишни истаган аёлларнинг кўнгиракларини кутамиз. У кишининг манзили тахририятда.

ни тутиб олишганда, оламдан кўз юмди. Худого шукр, нолимайман. Болаларим жуда ақлли, ишбилармон чиқишди. Кўнглимга қарашади. Узимга алоҳида уй қуриб ҳам беришган. Телевизор, видео дейсизми ҳаммасини бадастир қилиб

447 Тахририят йўлаги гавжумлашиб, хонага "Мумкинми?", - дея баланд бўйли, келишган бир йигит кириб келди. Лекин кўзларида мунг ва алам бордек эди.

- Исми Амирбек. Ёшим 43 да. Зангиотадан келдим. Дардим дунёга сиғмайди. Кўпчилик кўринишимга қараб мени жуда бахтиёр инсон деб ўйлайди. Лекин, шу ёшга кириб фарзанд кўрмаганман. Эркакнинг фахру ифтихори бўлган, кўнглига нур, белгига қувват берадиган биттагина фарзандим йўқлиги давраларда бошимни эгди. Мендан кейин уйландан укам ўғлига келин ҳам туширди. Тўйга таклиф қилишса, юрагим безиллайди. Икки марта уйланиб, ажралишга ҳам улгурдим. Икки аёлим ҳам ёмон эмасди. Лекин фарзанд қўриш илинжи ҳамма нарсадан устун кўринганди.

- Аёлингиз билан фарзанд асраб олсангиз бўларди-ку...
- Тўғри, шундай қилдик ҳам. Аммо, жид-

дий бир сабаб билан аёлим болани олди-ю, уйига кетиб қолди. У шу бола билан овунса керак. Мен энди нима қилишга хайронман. Моддий томондан таъминланганман, уй-жойим етарли. Аммо ким учун ишлайман? Ишдан келганда жажжигина болам қаршимга югуриб келмаса... Фордек жим-жит уйим ютиб юборай, дейди. Бир кичик қизчаси ёки ўғилчаси бўлган аёл бўлса уйланиб, боласини ўз боламдек тарбиялаган бўлардим...

Йигит рўмолчасини олиб кўзларига босди. Сўнг шошилиб чиқиб кетди. Уни тушундим. Йигит кишининг бошини эл орасида кўтарадиган, гурур ва ифтихори бўладиган ҳам фарзанд ахир.

Амирбекка рафиқа бўла оладиган, бир фарзанди бор, бахтга, эъозга интиқ аёлларнинг кўнгирак ёки таширларини кутамиз.
БАСИРА тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20:00. Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Кабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

БОУНА ИНДЕКС - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11035
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — С. ФАХРИДИНОВА
Мусаххих — С. САЙДАЛИМОВ